



## БИРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТДА ҲИКМАТ КЎП

Давлатнинг давлатлиги, халқнинг халқлиги қийин пайтларда билинади.

Афсуски, 2020 йил жуда оғир келди. Коронавирус балоси, у келтирган ижтимоий-иқтисодий инқироз етмаганидек, бир ҳафта ичида Бухоро ва Сирдарё вилоятларида табиий-техноген офатлар рўй берди.

Президент Шавкат Мирзиёев иккала жойга ҳам зудлик билан етиб бориб, вазиятни ўз назоратига олган эди. “Сабр қилиб, оғирликни елкамизга олиб, чидашимиз керак. Биронта хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди”, деган эди Президент ўшанда.

Аввало, энг катта оғирликни давлатимиз раҳбари ўз зиммасига олди. Талафот оқибатларини бартараф этиб, ҳаётни тиклаш ишларига бош-қош бўлди. Бу эса жабрдийдаларга кучли далда ва мадад бўлиб, бутун халқимиз бирлашди. Кимдир маблағи, кимдир меҳнати билан ёрдамга келди.

Сардоба сув омбори тўғонининг ёрилиши оқибатида 2 минг 211 та хонадон яроқсиз ва 2 минг 499 таси таъмирталаб ҳолатга келиб қолган эди. Давлатимиз раҳбари ўшанда бу аҳволни кўриб, вайрон бўлган маҳаллаларни нафақат олдинги ҳолатига қайтариш, балки ундан-да яхши қилиш, ҳаммининг ҳаваси келадиган масканга айлантиришга ваъда берган эди.

Шу мақсадда учта хууд таъмирлаб, 50 гектар майдонда 86 та 5 қаватли уй-жой барпо этилди. Хусусан, Сардоба тумани “Дўстлик” маҳалласида 37 та, Мирзаобод тумани “Ҳақиқат” маҳалласида 40 та ҳамда “Навбахор”

маҳалласида 9 та уй-жой қурилди. Уларда жами 2 минг 640 хонадон бор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ушбу бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 13 октябрь куни яна Сирдарё вилоятига келди. Давлатимиз раҳбари дастлаб Мирзаобод туманидаги “Ҳақиқат” маҳалласига ташриф буюрди.

— Сув тошқини жуда катта талафот бўлди. Ҳам фожиа оқибатларини бартараф этиш, ҳам қисқа муддатда одамларни рози қилишимиз керак эди. Бунга унча-мунча давлатнинг дош бериши ўзи бўлмайди. Ҳар бир

одам билан гаплашдик. Вазирликлар, ҳудудларни жалб қилиб, тезкор иш ташкил этилди. Совуқ кунларга қолдирмасдан, оилаларни уй билан таъминлашга эришдик. Энг катта масала — одамларнинг кунглидаги гашлик кетди, улар рози бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Илгари бу жойлардаги кўп уйларда табиий газ йўқ эди. Энди газ, сув, электр энергияси ва бошқа коммуникациялар билан таъминланган. Яна бир муҳим томони — янги уй эгаларининг аввалги ҳовлилари ҳам ўзларида қолди.

Давоми 2-бетда

Мамлакатимизда ўсимликлар карантини тизимини янги босқичга кўтариш, соҳага илм-фан янгиликлари, халқаро амалиёт ва рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми ва географиясини янада кенгайтириш, уларни етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) тизимидаги Ўсимликлар карантини илмий маркази негизда **Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази** (кейинги ўринларда — Марказ) ташкил этилсин.

Тошкент давлат аграр университети-нинг Термиз, Нукус ва Самарқанд филиалида ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида Марказнинг **замонавий лабораторияларга эга бўлган минтақавий филиаллари** ташкил қилинсин.

2. Қуйидагилар Марказ ва минтақавий филиалларнинг **асосий вазифалари этиб белгилансин:**

республика ҳудудида катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган зарарли организмларнинг **фитосанитар хавф таҳлилини ўтказиш ва улар қарши қилиниши** олдини олишга қаратилган **илмий асосланган фитосанитар чоралар** ишлаб чиқиш; карантиндаги ва бошқа хавфли зарарли организмлар **ўчоқларини йўқ қилиш ва улардан холи бўлган ҳудудларни белгилаш, улар тарқалишининг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш** бўйича дастурларни ишлаб чиқиш;

карантин объектлари ва ўсимликларнинг **бошқа хавфли зарарли организмларини аниқлаш ва улар диагностикасининг экспресс-усулларини ҳамда уларга қарши курашишнинг услубларини** ишлаб чиқиш;

зарарли организмларнинг қишлоқ хўжалиги **маҳсулотларига таъсирини илмий жиҳатдан ўрганиш, уларни зарарсизлантиришнинг инновацион усулларини** ишлаб чиқиш ва янги турдаги энтомофаглар яратиш;

Давоми 4-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инспекция ходимларига, тадбиркорлик субъектларининг агроном ҳамда энтомологларига **олими бериш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.**

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 январдан бошлаб: **хусусий сектор томонидан ташкил этилган, аккредитациядан ўтган карантин лабораториялари томонидан экспортга юкланаётган мева-сабзавот маҳсулотларига ва бошқа материалларга хулоса беришга рухсат берилди;**

Инспекция томонидан экспортбоп мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи **тадбиркорлик субъектларининг мутахассисларига** халқаро стандартлар ва импорт қилувчи давлатларнинг фитосанитар талаблари ҳақида билим бериб бериш бўйича **мунтазам равишда махсус ўқув курслари ташкил этилади;**

б) 2021 йил 1 апрелдан бошлаб республика ҳудудига хорижий мамлакатлардан маҳсулотларни олиб килган **транспорт воситалари** (самолётлар, темир йўл вагонлари ва контейнерлари, юк автомобиллари) юк хоналарини карантин назоратидан ўтказиш ва “детектор — хизмат ит”ларидан фойдаланиш ҳамда зарур ҳолларда **фумигация қилиш (зарарсизлантириш) тизими жорий қилинади;**

в) 2020 йил 1 ноябрдан бошлаб: экспортбоп қишлоқ хўжалиги **маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига** маҳсулотларни хорижий давлатлар фитосанитар талабларига мувофиқлаштириш, тегишли маслаҳатлар ва амалий ёрдам бериш учун **ўсимликлар карантини давлат инспекторлари бичкирилади;**

ўз ҳудудида аниқланган зарарли организмлар ҳамда фитосанитар дала назоратини ўтказиш тўғрисида Инспекцияга ихтиёрий мурожаат қилган ва уларнинг оқибатларини бартараф этган шахслар **маъмурий жавобгарликдан озод қилинади.**

Давоми 4-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

### АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда аҳолининг кенг қатлами тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтиришга қаратилган “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ешлар келажакимиз” ва бошқа ижтимоий дастурлар доирасида жами 13 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилиб, 600 мингдан зиёд оилаларни қамраб олишга эришилди.

Мазкур дастурлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши, унинг турмуш тарзини яхшилаш ва иш билан бандлигини ошириш учун туртки бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, орттирилган тажриба ҳамда халқаро амалиёт комплекс ва ўзаро бир-бирини тўлдирувчи

кредит олиш имкониятидан иборат бўлган яхлит тизимни шакллантиришга тақозо этмоқда.

Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш мақсадида:

1. Аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш, микроолиялаш тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги асосий йўналишлари амалиётга жорий этилсин:

аҳолининг тадбиркорлик билан шуғулланишга қизиқиши ва манфаатдорлигини ошириш;

аҳолида тадбиркорлик соҳасида зарурий кўникмаларни шакллантиришга қаратилган ўқитиш тизимини жорий этиш, мазкур жараёнга халқаро ташкилотлар, нодавлат ношаро ташкилотлари ва нодавлат таълим ташкилотларини кенг жалб қилиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган микрокредитлаш тизимини институционал жиҳатдан такомиллаштириш ва ривожлантириш;

аҳоли тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга оид ижтимоий дастурларни иқтисодийета амалга оширишга қаратилган ислохотлар билан уйғун ва мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқиш;

Давоми 3-бетда

## 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

### ҒУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИГА ЭҲТИРОМ

Бугун онгу тафаккури ўзгарган халқимизнинг ўзлигини белгилайдиган она тилига муносабати бутунлай ўзгача

Қонун сўзи — қудратли сўз. У барчани сергаклантиради, итоат эттиради, киши эътиборини тортувчи куч бор унда. Айни пайтда унга сўзсиз бўйсунмиш, уни ҳурмат қилиш талаби ҳам бор.

Муайян соҳа ёхуд жабҳага оид қонунлар ўша тизимнинг ривожини таъминласа, шундай ҳужжатлар борки, улар бутун бир халқнинг руҳияти, миллатнинг қиёфасини ўзида мужассам этади. Президентимиз томонидан имзоланган “Ўзбек тили байрами кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун ана шундай муҳим ҳужжатдир. Унинг асосида 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни этиб белгиланиши эса тарихий ҳодиса бўлди, десак ўринлидир.

Ушбу қонуннинг яна бир аҳамиятли, рамзий жиҳати унинг айнан Абдулла Қодирий таваллуд тоғлан кунда имзоланиши бўлди. Бу давлатимиз раҳбарининг миллат тилига эътибори ва эҳтиромининг юксак нишонасидир. Бунинг исботига ўтган йили ҳам шохид бўлгандик. Азим пойтахтимизда Халқаро конгресс маркази бунёд этилгандан кейин унда биринчи бор ўтказилган тантанали тадбир 21 октябрь — “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинганининг 30 йиллигига бағишланганди. Ушанда Президентимиз

“21 октябрни Ўзбек тили байрами куни деб эълон қиламан”, деганида залда ўтирганларнинг бари тўлқинланиб, хурсандлигидан ўринларидан қалқиб туриб, юзу кўзларидан нур давлати кетгани ҳамон ёдимда.

Ушбу қонун қайсида маънода ОАВ орқали чиқишлардаги эътироф ва эътирозларга ўзига хос мукамил жавоб ҳам бўлди.

Миллатнинг руҳи бўлган она тилидан бебаҳра қолдириш уни гувроқ қилиш билан баробар. Ижтимоий-маънавий зарурат, эҳтиёж сифатида қаралмаган нарсасиз-ҳодисаларнинг бари ўткинчи-га айланади. Бу эса жамиятда ижронини пайсалга солиш, лоқайдлик ва бепарволик иллатларини шакллантиради.

Давоми 6-бетда

# БИРЛИК, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА МЕҲР-ОҚИБАТДА ҲИҚМАТ КЎП

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз раҳбари ўша қийин кунларда бутун халқимиз жипслашиб ҳаракат қилганига катта эътибор қаратди. — Бутун мамлакатимиздан мутахассислар келди. Бу ерда Қорақалпоғистон ва ҳар бир вилоятнинг ўз кўчаси бор. Бирлашсак, меҳрли бўлсак, кўп ишларни амалга оширишимизга ҳамма инонади, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Кўп қаватли уйлар шинам, ҳовлилари обод. Бу маҳалла Янги Ўзбекистон, деб номланган.

— Янги Ўзбекистон дейилганида ҳам маъно бор. Агар халқимизга маъқул бўлса, бундай уйларни бошқа ҳудудларда, аҳоли зич шаҳарларда ҳам қурамиз. Ҳар бир мавзе ёнида иш ўринлари ҳам ташкил этилди. Умуман олганда, қуриш ва яшаш маданиятимиз ўзгариши керак, — деди Президент.

Янги мавзеда маҳалла гузари, дўкон, кутубхона, болалар майдончалари барпо этилган. Уйларга хизмат кўрсатувчи сервис компанияси ташкил қилинган.

Турар жойларни эксплуатация қилиш тизимини самарали йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбари шундан сўнг Оқолтин туманидаги "Нурафшон орзу бўстони" фермер хўжалиги даласида бўлиб, пахта ҳосилини кўздан кечирди. Бу ўзаларни етиштиришнинг ўзи бўлгани йўқ. Сардоба сув омбори тошқини кишлоқ хўжалигига ҳам катта зарар етказган эди. Хусусан, Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларидаги 20 минг гектарга яқин экин майдонини сув босганди.

Ҳосилни асраб қолиш учун кўчма насослар ёрдамида сув қочирилиб, ер культивация ва чопиқ қилинди. Имконсиз жойларда пайкаллар бузилиб,

қайтадан бошқа экинлар экилди. Қий-ғос очилган пахта ана шундай машаққатли меҳнат натижасидир.

"Нурафшон орзу бўстони" фермер хўжалиги "Оқолтин АПК" пахта тўқимачилик кластерининг ҳамкори.

Шу ерда кластерлар раҳбарлари ва фермерлар билан мулоқот бўлди. Пахта қайта ишлаб, хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириб, қўшимча қий-мат яратиш мўҳимлиги таъкидланди.

— Кластер ва манфаатдорлик — Ўзбекистон кишлоқ хўжалигининг кела-жаги. Илм-фан ва инновацияларни жорий этмай туриб, бу соҳани рақобатбардош қилиб бўлмайди, — деди Президент.

Мазкур кластер томонидан 2021-2022 йилларда амалга ошири-ладиган лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, Оқолтин туманида йилга 30 минг тонна чигитни қайта ишлаш бўйича қиймати 4 миллион дол-лар ҳамда 50 минг тонна донни қайта ишлаш бўйича қиймати 5,8 миллион доллар бўлган лойиҳалар амалга оши-рилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари Сирдарё ви-лоятининг Оқолтин туманидаги "Янги Тошкент" маҳалласини бориб кўрди.

Бу ерда 130 та коттеж таъмирланиб, коммуникация тармоқлари тикланган. Янги маҳалла гузари, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, кутубхона, спорт мажмуаси, ички йўллар қурилган.

Президент Шавкат Мирзиёев қури-лиш ва ободонлаштириш ишларини кўздан кечирди. Аҳоли билан суҳбат-лашди.

— Бу ерда келганимда вазият жуда ачинарли эди. Бу менинг уйим, жигар-ларим, фарзандларим, деб юрагимдан ўтказдим. Пул топиш, ташкил қилиш осон бўлгани йўқ. Худога шукр, ҳам-маси ортада қолди. Бу уйлар сизларга буюрсин. Энди бу ободликни асраб, яхши яшаб, яхши тўйлар қилинган. Ўзи менинг энг катта мақсадим — ёш-ларни бахтли қўриш, — деди давлати-миз раҳбари.

Маҳаллада "Нафис либослар" тикув-чилик корхонаси ҳам ташкил этилди. Унда 50 нафардан зиёд хотин-қиз иш

бошлади. Президентимиз улар билан суҳбатлашди.

— Хотин-қизларга эътиборни янада кучайтираемиз. Аёлни рози қилолсак, жамиятимиз файзли бўлади, ҳамма режаларимизни амалга ошира оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Корхона келгуси йили тўлиқ қувватга чиққач, йилга 500 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилади. Уларнинг бир қис-мини экспорт қилиш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари оилавий полик-линикага кириб, соғлиқни сақлаш хо-димлари билан суҳбатлашди. Тиббиёт билан спорт ҳамоҳанглигини кучайти-риб, одамларни соғлом турмуш тар-зига одатлантириш, аҳолининг умрини узайтириш масалалари юзасидан сўз юритилди.

— Кўп юриш билан тўғри овқатланиш маданиятини йўлга қўйиб олсак, тиббиётдаги 30-40 фоиз масалани ҳал қилган бўламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги тарғиботни кенгайти-риш, рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар бе-рилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сар-доба туманидаги "Сардоба Оксарой текстиль" корхонаси фаолияти билан танишди.

"Oqsaroy klaster" масъулияти чеклан-ган жамият таркибидagi мазкур корхона йилга 3,5 миллион долларлик тайёр мато ва кийимлар ишлаб чиқариш қув-ватига эга. Маҳсулотларни 100 фоиз экспорт қилиш мўлжалланган. Туркия-дан замонавий тикув машиналари ва энергиятежамкор совутиш тизими кел-тириб ўрнатилган. Лойиҳанинг биринчи

босқичида 500 та иш ўрни яратилган. Давлатимиз раҳбари бу ерда фао-лият бошлаган хотин-қизларни янги уй ва иш жойлари билан табриклади.

— Фожиа юз берган кунлари баъзи одамларда эртанги кунга ишонч йў-қолиб қолган эди. Бугун сизларнинг кўзингизда ишонч учқунларини кўриб турганимдан хурсандман. Аёллар иш-ласа, кайфияти яхши бўлади. Аёлнинг кайфияти яхши бўлса, фарзандларининг кайфияти, тарбияси яхши бўлади, оилада, жамиятда муҳит ўзгаради. Шу-нинг учун хотин-қизларга иш ўринлари-ни кўпайтиришга ҳаракат қилаемиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу ерда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, энгил саноатда қўшимча қиймат занжирини яратиш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари 15 май кунини Сардоба туманида бўлганида "Дўстлик" маҳалласида янги уйлар қурилишига тамал тоши қўйган эди. Қисқа вақтда бу ерда 1 минг 480 хонадонли 37 та турар жой қуриб битказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев бу гал-ги ташрифи чоғида мазкур замонавий мавзени кўздан кечирди.

Уйлар беш қаватли бўлиб, икки ва уч хонали квартиралардан иборат. Турар жойларни қуришда энергиятежамкор материаллардан фойдаланилган. Янги мавзеда барча коммуникация тармоқ-лари мавжуд. Маҳалла гузари, болалар майдончалари қурилиб, ҳудуд ободон-лаштирилган.

Хонадонлар тайёр ҳолда, тошқиндан жабрланган оидаларга бепул топшири-лади. Олдин мазкур маҳаллада яшаган Бахтиёр ва Қимматхон Мирзаевлар ои-ласига ҳам уч хонали квартира ажра-тилган.

Давлатимиз раҳбари ушбу хонадон-га кириб, шароитларни кўздан кечирди. Президент Шавкат Мирзиёев "Дўст-лик" маҳалласида сирдарёлик фаол-лар, сув тошқиндан жабрланган одам-лар билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг ав-валида вилоят аҳли билан шундай

ободликда, ёруғ юз билан кўришиб турганидан хурсандлигини билдирди.

— Охириги беш ойда ҳаммамиз синовдан ўтдик. Ҳамжиҳат бўлиб, матонат, меҳнат билан шароитни тикладик, янги уйлар, йўллар қурилди. Бугун бу ишларни кўриб, албатта, хурсанд бўлдим. Лекин менга энг катта куч, қувонч берган нарса одамларнинг кайфияти бўлди, — деди Шавкат Мирзиёев.

Сардоба сув омбори тўғони уй-жой-лар, ижтимоий объектлар ва кишлоқ хўжалиги майдонларига катта зарар етказган эди. Ҳукумат комиссияси ту-зилиб, унинг оқибатларини бартараф этишга барча куч ва воситалар жалб қилинди. Сув босган маҳаллалар аҳо-лиси хавфсиз ҳудудларга эвакуация қилиниб, бошпана ва озик-овқат билан таъминланди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, ҳуқуқ-тартибот идоралари, қурилиш-таъмирлаш таш-килотлари ва маҳаллий ҳокимликлар ўзаро мувофиқ ҳаракат қилиб, турмуш шароитлари қисқа муддатда тикланди.

Учта янги мавзе барпо этилди. Боғча ва мактаблар, коллежлар ва соғлиқни сақлаш муассасаларида қурилиш-таъ-мирлаш ишлари олиб борилди. Сув босган ҳудудлар бугун аввалгидан-да яхшиланиб, янги қиёфага эга бўлди.

— Халқимиз розилигини биринчи кундан асосий мақсадимиз, шийоримиз этиб танлаганмиз. Қийин, лекин шунинг учун ишляямиз. Сирдарёдаги қурилишлар, ўзгаришлар шу билан чекланиб қолмайди, яна давом

этади. Бунинг учун катта марралар белгиланганимиз, — деди Президент.

Учрашувда сув тошқиндан жабр кўрган Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманлари аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш, уй-жойлар қуриш ва таъмирлаш, аҳоли сало-матлигини ҳимоя қилиш, инфрату-зилма объектларини тиклаш, янги иш жойлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтилди.

Мутасадди вазирликлар вилоят фаолларига бу борада бажарилган иш-лар ва режалаштирилган лойиҳалар ҳақида тақдимот қилди.

Учрашувда сўзга чиққанлар томо-нидан юртимизда биронта инсонни, биронта ҳам оилани ҳар қандай фа-локат ва муаммо қаршисида ёлғиз қолдирмаймиз, барча зарур ёрдамни албатта кўрсатамиз, деган ҳолис, пок ва эзгу ният билан иш олиб борилган-ни, бунинг самарасида кўзлаган мар-раларга эришилгани таъкидланди. Хусусан, Президентимиз шахсан бош-қош бўлиб, уй-жойсиз қолган одам-ларни ёгин-сочинли кунларга қолдир-масдан, бошпана билан таъминлаш учун катта ишлар амалга оширилгани қайд этилди.

Пандемия шароитига қарамасдан, бугун Сирдарё вилоятида амалга оширилган беқиёс бунёдкорлик иш-лари, халқимизнинг яратувчанлик руҳи, бизнинг улўғ қудратимизни, ни-маларга қодир эканлигимизни яна бир бор намоён этди. Бу сирдарёликлар руҳини чексиз шод этиб, эртанги кун-га, халқимиз фаровонлигига қаратил-ган ишхотларга ишончини мустаҳ-камлади.

Шу билан давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига сафари якунланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Абдулазиз МУСАЕВ, Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА мухбирлари

## Сирдарёликлар эътирофи

# БИРИНЧИ МЕҲМОНИМИЗ — ПРЕЗИДЕНТИМИЗ!



Ҳар куннинг ўз тинги бор, дейди дошизманд халқимиз. Дарҳақиқат, юртдошларимиз учун синовли келган бу йилда яна музаффар тонг отмоқда. Бунини Сардоба сув омбори тўғонининг ёрилиши оқибатларини Президентимиз бошчилигида ҳамжиҳатликда енгганимиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Давлатимиз раҳбарининг Сирдарё вилоятига бу галги ташрифи талафотли мардонавор энгиб, метин ирода кўрсатган сирдарёликларнинг янги ҳаёт оstonасидаги тантанасига улашиб кетди. Мухбиримиз Президент ташрифи доирасида сирдарёлик юртдошларимизнинг таассуротлари билан қизиқди.

**Раҳматилла ҲОЖИМУРОДОВ, Мирзаобод туманидаги "Янги Ўзбекистон" МФЙ раисининг кексалар ва фахрийлар бўйича ўринбосари:**

тошқини оқибатида уйлари зарар кўрган Мирзаобод ва Оқолтин туманларидан юз-лаб оидалар кўчиб келмоқ-да.

Уларга барча зарур ша-роитлар яратилган. Янги маҳалла гузари қурилди. Бу ерда новвоҳона, сар-тарошхона, кутубхона фой-даланишга топширилди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида ти-кувчилик цехи очилди. Янги боғчамиз ҳам бор.

Давлатимиз раҳбари янги маҳаллада иш ўринлари яратиш бўйича ҳам алоҳида таътириқ берди. Шу асо-да қовуни қайта ишлаш цехини қуриб, Сирдарёнинг дунёга машҳур қовун маҳсу-лотларини экспорт қилишни мақсад қилиб турибмиз.

Президентимизнинг "Янги Ўзбекистон"имизга бугунги ташрифи ҳеч ёди-миздан чиқмайди. Бугунги кун маҳаллодошларимиз учун янги ҳаёт оstonасида-ги зафарли чорлов бўлиб қолади.

— Сардоба фожиаси юз берган кунларда руҳи-миз анча чўккан эди. Ҳам-да бор дард — ярим дард, деганларидек, ўша кунийқ Президентимизнинг Сардобага келиб, бизга тасалли бергани, "Бирон-та хонадон, биронта одам эътиборсиз қолмайди", дея ишонтиргани кўнглимизни тоғдек кўтарди. Ушанда ҳар бир жабрдийда аҳоли ортида ишончли тоғ бўлиб давлатимиз раҳбарининг ўзи турганини, юртдошлар-имиз ҳам бизни ёлғизлатиб қўймастлигини қалбдан ҳис қилган эдик.

Мана, орадан кўп ўтма-ди. Маҳалламиз буткул янги қиёфа касб этди. Уни "Янги Ўзбекистон" дея номладик. Ҳудуддаги ташландиқ жой-да беш қаватли 40 та, жами 800 хонадондан иборат уй-жой мажмуаси қад рост-лади. Бу хонадонларга сув

**Ғофиржон УСУБАЛИЕВ, кишлоқ хўжалиги ходими:**

чироғимиз, газимиз узилмас, иш-ласак, ҳалол ризқ топсак, яна нима керак?!

— Меники деганнинг меҳри ис-сиқ, дегани рост экан. Инсоният бошидан ташвишлар узоқ кетсин, илоҳим. Лекин оғир кунда йўқлай-диган, далда бўладиган, меҳр кўр-сатадиган кишининг бўлса, ҳаётда йўл топиш мумкин экан. Бунга ўзим гувоҳман.

Сув тошқинига қадар Мирзаобод туманидаги "Сахо-ват" маҳалласида яшар эдик. Тақдир бизни бир синовдан ўт-казди. Бардошли бўлдик. Бугун рафиқам, фарзандларим би-лан ҳаётимиздан мингдан-минг розимиз.

Бизга ҳам "Янги Ўзбекистон" маҳалласидан 3 хонали уй совға қилинди. Ҳамма шароит бор. Ол-динги маҳалламизда тез-тез чироқ учар, баъзан газ бўлмай қопар, тоза ичимлик сув ҳам йўқ эди. Бу-гун бу муаммолар бизни тарқ этди. "Биз Тошкентда яшаймиз", деб ҳам ҳазиллашиб, ҳам жиддий ай-тамиз. Ростда, ошхонамиздан тоза ичимлик сув оқиб турган бўлса,

**Баҳром ТУРДИАЛИЕВ, тадбиркор:**

**Қилиб, Тошкент шаҳри ҳокимлиги хомийлигида қурилди. Қурувчилар ҳам, қурилиш ашёлари ҳам Тошкентдан келди. Шу тариқа маҳалламиздаги 135 хонадон қайта қад ростлади. Ҳозир бу ерда 1200 дан зиёд аҳоли яшамоқда.**

— Оқолтин туманидаги янги қиё-фа, фусун касб этган "Янги Тош-кент" маҳалласига олдин келма-ган бўлсангиз, ҳозир шароитлар билан солиштириш қийин бўлади. Соддароқ айтганда, эски маҳал-ладан бир бўлак ивиган гишт ҳам қолмаган. Янгидан қурилди.

**"Янги Тошкент" деб номланганида ҳам қад бор. Бу 5 кўчадан ташкил топган маҳалла 8 та файзли кўчали**

**Даврон ВАҲОБОВ, "Сардоба Оксарой текстиль" корхонаси таъсисчиси:**

— Сардобалиқар янги ҳаёт бошлади. Бугун туман қиёфаси ҳам тубдан ўзгарган. Қурилиш, ободон-лик ишлари авжида. Шу каби фаро-вонлик руҳига ҳамоҳанг аҳолининг ҳам кайфияти кўтаринки.

хар оилага маиший техника ҳам совға қилди.

Албатта, биз — тадбиркорлар ҳам қараб турганимиз йўқ. Ма-ҳалладаги хотин-қизларни иш би-лан таъминлаш мақсадида тикув-чилик цехи қурдик. Бу ерда 100 киши иш билан таъминланди.

Бугун Президентимиз шу цехи-мизга ҳам келди. Маҳсулотлар ту-рини кўпайтириш, сифатини оши-риш, экспорт қилиш бўйича зарур тавсияларини берди.

Биз давлатимиз раҳбари ташрифидан руҳланиб, кейин-ги йилдан маҳсулотларимизни экспортга ҳам йўналтиришни режаладик. Ушанда иш ўринла-римиз сони ҳам сезиларли оша-ди. Мақсадимиз аниқ: фаолия-тимизни кенгайтираемиз, имкон қадар "аёллар дафтари" ва "ёш-лар дафтари"даги хотин-қизлар ва ёшларимизни ишли қилаемиз.

кўрсатмалар берди. Келгусида маҳсулотларимиз тури ва ҳажмини ошириш, экспорт географиясини кенгайтиришни мақсад қилганмиз. Демак, иш ўринларимиз сони ҳам кўпайиб боради. Бунинг учун имко-ниятларимиз етарли, албатта.

Корхонамизда асосан, янги уй-ларга кўчиб ўтган хотин-қизлар меҳнат қилади. Уларнинг юз-кўзи-да келажакка ишонч учкунни порлаб турганини кўриб, бизнинг ҳам гайра-тимиз жўшади. Шу азиз опа-сингил-ларимиз ҳаётини янада яхшилаш йўлида куч-ғайрат билан ишляймиз.

"Янги Ўзбекистон" мухбири Лутфулло СУВОНОВ ёзиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АҲОЛИНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЖАЛБ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланғич 1-бетда

тадбиркорлик кўникмаси ва тажрибасига эга бўлган аҳолини ва бошқа кичик бизнес вакиллари салоҳиятини рўйга чиқариш орқали улар фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган тўлақонли тизимни яратиш;

тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича яхлит тизимни ташкил этиш ва ягона давлат ташкилоти томонидан амалга оширилишини ва мувофиқлаштириб борилишини йўлга қўйиш.

2. Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ва барча бўғиндаги ҳокимликлар ҳудудларда аҳолининг тадбиркорликка қизиқишини ва манфаатдорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни ўзларининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида белгиласин.

Вазирлар Маҳкамаси икки ой мuddатда тегишли вазирлик, идора ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан халқаро ва маҳаллий экспертларни жалб этган ҳолда аҳолининг тадбиркорликка қизиқиши, турмуш даражасини яхшилашга ва интилишга ва манфаатдорлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган мотивацион чора-тадбирлар дастурларининг тасдиқлаш тизимини ташкил қилиш.

3. 2020 йил 15 ноябрдан бошлаб Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўйидаги тартиби ўрнатилсин.

4. 2020 йил 15 ноябрдан бошлаб Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўйидаги тартиби ўрнатилсин.

5. 2020 йил 15 ноябрдан бошлаб Ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг кўйидаги тартиби ўрнатилсин.

уларнинг сертификатини (кейинги ўринларда — махсус сертификат) олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун мазкур қарорнинг 5-бандига мувофиқ микрокредит ажратилади.

4. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Бизнес ва тадбиркорлик олий мақтаби билан биргаликда:

2020 йил 15 ноябрдан бошлаб аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестрини шакллантириб борсин ва унинг ошқоралигини таъминласин;

2022 йил 1 январдан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда халқаро стандартлар, шу жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тадбиркорликка ўқитиш дастурлари ва тизими асосида Тадбиркорликка ўқитишнинг ягона тизимини ишга туширсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра, "Микрокредитбанк" АТБ томонидан нодавлат таълим ташкилотлари махсус сертификатини олган:

тадбиркорлик ташаббусига эга жисмоний шахслар, шу жумладан, Ёшлар ва хотин-қизларга ўз бизнесини ташкил этиш учун 33 миллион сўмгача бўлган миқдордаги микрокредитлар таъминотсиз ажратилади;

микрофирма ва кичик корхона таъсис этган шахсларга учинчи шахс кафиллиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинган мол-мулклар гарови, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг кафиллиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа таъминот турлари асосида 225 миллион сўмгача миқдорда микрокредитлар ажратилади.

Бунда микрокредитлар 3 йил муддатга 6 ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида ажратилади.

6. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ёшлар ва хотин-қизларни касб-ҳунар ҳамда тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишни молиявий манба билан таъминлаш мақсадларида 100 миллион АҚШ доллари эквивалентига маблағ ажратсин. Ушбу маблағларнинг:

9 миллион АҚШ доллари эквиваленти Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигига мазкур қарорнинг 3-банди иккинчи хатбошида назарда тутилган тадбиркорлик молиялаштириш учун бегараз асосда;

1 миллион АҚШ доллари эквиваленти Ёшлар ишлари агентлигига мазкур қарорнинг 2-бандида назарда тутилган тадбиркорлик молиялаштириш учун бегараз асосда;

90 миллион АҚШ доллари эквиваленти махсус сертификатни олган ёшларга (жами 45 миллион доллар) ва хотин-қизларга (жами 45 миллион доллар) кредитлар ажратиш учун "Микрокредитбанк" АТБга 7 йил муддатга 3 йил имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида 4 фоиз бандга паст фоиз ставкасида йўналтирилсин.

"Микрокредитбанк" АТБ ушбу маблағларни мазкур қарорнинг 5-бандига

кўрсатилган янгица тартибда микрокредитлаш мақсадларига йўналтирсин.

7. Белгилансинки, 2022 йил 1 июлдан бошлаб "Ҳар бир оила — тадбиркор", "Ёшлар келажагимиз" ва бошқа оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида давлат мақсадли ресурслари ҳисобидан кредитлар "Микрокредитбанк" АТБ томонидан тадбиркорлик йўналиши бўйича тегишли ўқув курсларини тамомлаган шахсларга ягона микрокредитлаш дастури асосида ажратилади.

8. "Микрокредитбанк" АТБ: 2021 йил давомида республиканинг барча туман ва шаҳарларида, шу жумладан, рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали микромолиявий хизматлар кўрсатиш имкониятини яратувчи банк инфратузилмалари тармоқларини ташкил этсин;

ўзи операторлик вазифасини бажарувчи Микромолиялаш миллий тизимини яратиш ва унда бошқа кредит ташкилотларининг манфаатдорлик асосида иштирок этишини таъминловчи тизим жорий этиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин;

банкнинг қўйи бўғин ходимларини тўлиқ қайта тайёрлаш ва мижозга йўналтирилган хизмат кўрсатиш тизимини жорий қилсин. Бунда соҳада муваффақиятга эришган ва халқаро тан олинган хорижий молия институтларида ходимларнинг малака ошириши ва тажриба алмашишини ташкиллаштирсин;

махсус сертификат олган шахслар тўғрисида маълумот алмашиш мақсадида микрокредитлаш дастурларида иштирок этгаётган касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ўзаро электрон ахборот алмашинуви тизимини йўлга қўйсин.

Молия вазирлиги "Микрокредитбанк" АТБ бошқаруви таркибига ижтимоий йўналтирилган микрокредитлаш соҳасида етарли тажрибага эга бўлган хорижий малакали мутахассисларнинг жалб қилинишини таъминласин.

9. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Молия вазирлиги 2021 йилнинг 1 январига қадар "Микрокредитбанк" АТБнинг аҳолини, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш бўйича янги бизнес моделини ишлаб чиқсин ва унда қўйидагиларга эътибор қаратсин: микрокредит олиб кейинчалик барқарор тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ва ишлаб чиқариш ҳамжаратини кенгайтирган ёки камбағаллик рўйхатидан чиққан мижозлар сони ва улуши ошиб боришини банк фаолияти самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидан (КПИ) бири сифатида белгиласин;

микрокредитлаш дастурлари доирасида касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳамда микрокредитлаш мақсадларида аҳолини молиявий саводхонлик ўқитишни ташкил этиш;

микрокредит олган тадбиркорлар фаолиятини доимий кузатиб бориш ҳамда уларга маслаҳат ва кўмак бериш институти шакллантириш;

банк мижозлари томонидан ишлаб чиқарилган махсулотлар учун харидорлар

топиш ва бозорларни кенгайтиришда кўмаклашиш.

10. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги мазкур қарорда аҳолини тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида келтирилган механизмлар, хусусан, уларни ўқитиш, микрокредит ажратуви бўйича ишларни мувофиқлаштириш борасида ваколатли давлат органи этиб белгилансин. Бунда Агентлик:

Бизнес ва тадбиркорлик олий мақтаби ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда аҳоли ва тадбиркорларни тадбиркорликка ўқитиш бўйича ишларни ташкил этади, мувофиқлаштиради ва бу борада ягона тизимни шакллантиради;

"Микрокредитбанк" АТБ билан биргаликда тадбиркорлик бўйича ўқув курсларини тамомлаб ва кейинчалик микрокредит олиб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини мониторинг қилиб боришини ягона "рақамли" тизим жорий этилишини таъминлайди;

доимий мониторинг ва таҳлиллар асосида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтиришни (йириклаштиришни) рағбатлантирувчи молиявий ва номолиявий қўллаб-қувватлаш чораларини такомиллаштириш ва янгиликларини жорий этиш бўйича таклифлар киритиб боради;

иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларида амалга оширилаётган ислохотларнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар билан ўзаро мувофиқлиги ва тўлдирувчанлигини таъминлаш вазифаларидан келиб чиқиб барча турдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва механизмлари ишлаб чиқирилишини ва амалга оширилишини таъминлайди.

11. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой мuddатда аҳолини касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестрини шакллантириш ҳамда уларнинг ўқитишга сарфланган харажатларини компенсация қилиш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига қиритсин. Бунда, шу жумладан, қўйидагилар назарда тутилсин:

нодавлат касб-ҳунар таълими ташкилотлари ва мутасадди идоралар ўртасида ўқувчиларнинг давоматини реал вақт режимида мониторинг қилиш, махсус сертификатга эга битирувчилар тўғрисида маълумотлар олиш имкониятини берувчи идоралараро электрон ҳамкорликни жорий этиш;

нодавлат касб-ҳунар таълими ташкилотлари фаолиятини энг асосий мезон сифатида уларнинг натижадорлиги, шу жумладан, махсус сертификат олган битирувчиларнинг тадбиркорлик ва касб-ҳунар бўйича фаолиятини бошлаганидан келиб чиққан ҳолда баҳолаб бориш;

компенсация тақдим этишда ошқоралик ва ҳаққонийликни таъминлаш, мазкур жараёнда турли хил суиистеммоликлар қилинишининг олдини олишга қаратилган коррупцияга қарши курашиш комплекс назорат тизимини яратиш.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 14 июлдаги ПҚ – 4782-сон қарорига мувофиқ Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан 2 миллион АҚШ доллари эквивалентига маблағлар микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларига ёшлар ва хотин-қизларни кичик тадбиркорликка жалб қилиш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтириш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

13. Белгилансинки, мазкур маблағлар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ресурс базасини оширишга йўналтирилади ва эксперимент тарихида кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва унга жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида қўйидагича тартибда фойдаланилади:

нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг аҳоли қатламларини тадбиркорликка ўқитиш ва уларга микромолиявий хизматлар кўрсатишдан иборат комплекс дастурларини амалга ошириш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан танлов асосида 5 йил мuddатга, жумладан, бир йиллик имтиёзли давр билан йиллик 4 фоиз ставкада қарз маблағлари ажратилади;

нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағларини ажратиш учун танловни ўтказиш ҳамда улар билан ижтимоий шериклик тўғрисида шартномаларни тузиш Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан амалга оширилади;

нодавлат нотижорат ташкилотлари ўзларига ажратилган қарзнинг бир қисmini микрокредит ташкилотларига шартнома асосида ресурс сифатида жойлаштиради;

нодавлат нотижорат ташкилотларига қарз маблағларини ажратиш учун танлов шартлари ва баҳолаш мезонларига Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва мустақил экспертлар иштирокида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда ўқув курслари билан қамраб олинмаган ҳудуд ва аҳоли сони, микроқарз фоиз ставкаси, ўқув дастурлари сифати каби асосий мезонларга асосан таклифларни баҳолашни назарда тутати.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги бир ой мuddатда нодавлат нотижорат ташкилотлари орасида мазкур маблағлар ҳисобидан қарз ажратиш бўйича танловларни эълон қилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ажратилмаган маблағларнинг самарали ва мақсадли фойдаланилиши устидан мониторинг ўрнатсин.

14. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотларига мазкур қарорнинг 13-бандига мувофиқ тақдим этиладиган қарз маблағлари ҳисобидан микроқарзлар микрокредит ташкилотлари томонидан кенг аҳоли қатламларига, шу жумладан, ёшлар ва хотин-қизларга қўйидаги шартларда ажратилади:

қарз олувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий саводхонликларини ошириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга қаратилган дастурлари талабларига мос келиши лозим;

микроқарзлар тадбиркорлик ва даромад олишга қаратилган мақсадлар учун бир қарз олувчига 25 миллион сўмдан ошмаган миқдорда ажратилиши лозим;

микрокредит ташкилотлари қарз олувчи томонидан шартномага мувофиқ мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш шартисиз, шу жумладан, бир-бирларини қўллаб-қувватлайдиган гуруҳ кафиллиги асосида микромолиявий хизматлар кўрсатишга ҳақли.

15. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда олинмаган давлат бож маблағларининг 20 фоизи Савдо-саноат палатасига йўналтирилади;

давлат активларини сотишдан тушадиган маблағларнинг Савдо-саноат палатасига йўналтириладиган қисми 3 фоиздан 5 фоизгача (Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармасига йўналтириладиган қисmini камайитириш ҳисобидан) оширилади.

16. Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўйича ваколатли офислари очилсин ва уларнинг намунавий тузилмаси 1-иловога мувофиқ тасдиқлансин.

Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда икки ҳафта мuddатда Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг ва Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг низомларини тасдиқласин.

17. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги икки ой мuddатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ва Марказий банк раиси М.Б.Нурмуратов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 октябрь куни интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.



Дунёда товарларнинг бренд қиймати юқори ҳисобланади. Интеллектуал мулк Европада ялли ички махсулотнинг 45 фоизини, Хитойда 12, Россияда 7 фоизни ташкил этади.

Афсуски, мамлакатимиз бу борада дунё бозоридан узоқлашиб кетди. На тегишли идоралар ва на ҳудуд раҳбарлари интеллектуал мулк масаласига эътибор берди. Шу сабабли ихтирочи олим ва ижодкорларимиз хорижга чиқиб кетди. Илмий институтларимиз инновациялар, тармоқлар эса харидорғир ишланма ва брендлар ярата олгани йўқ.

Адлия вазирлиги ва Интеллектуал мулк агентлигига барча идоралар ва ҳудудлар, олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари билан кенг муҳокама қилиб, соҳани ривожлантиришга қаратилган уч йиллик дастур ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Интеллектуал мулк яратувчиларини рағбатлантириш, патент эгаларини муҳофотлаш каби имтиёзлар тизимини жорий қилиш зарурлиги таъкидланди.

Мамлакатимизда йилига 4 минг 500 атрофида интеллектуал мулк объекти, жумладан, 2 мингдан зиёд товар белгилари рўйхатдан ўтади.


Шу боис, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти мутахассислари билан баҳоловчилар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.



Ўтган йили 400 га яқин ихтиро, 110 та фойдали модель, 170 та саноат намунаси, 36 та селекция ютуғи рўйхатга олинган бўлсада, атиги 43 та илмий ишланма тижоратлаштирилган ҳолос. Шу боис, бундай илмий ютуқларнинг "электрон ярмаркаси"ни ташкил этиш лозимлиги таъкидланди.

Бугунги кунда мамлакатимиз саноатнинг бор-йўғи 12 та товар белгиси халқаро рўйхатдан ўтказилган. Лекин бу жуда кам. Аслида эса имкониятлар талайгина.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Интеллектуал мулк агентлигига мамлакатимизда рўйхатга олинган кўнгилочар сайтлар, радио ва телеканалларни ўрганиб, муаллифлар манфаатларини таъминлаш вазифаси қўйилди.



Келгуси йил биринчи чорақда саноат мулк патентлари платформасини яратиш, унга саноат тармоқларидаги интеллектуал мулк объектларини жойлаштириб бориш, вилоятлардаги корхоналар ва олий ўқув юртларининг интеллектуал мулк объекти базасини яратиш бўйича топшириқлар берилди.

Юридик университет ҳамда жойлардаги ҳуқуқшунослик факультетларида тадбиркорлар учун интеллектуал мулкни яратиш ва ҳимоя қилиш бўйича ўқувлар ташкил этилиши белгиланди.

Тадбиркорлар махсулотларини брендга айлантириш дастури ва электрон майдончасини ишлаб чиқиш, ҳудудларда брендлар ярмаркаси ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИ

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИ  
ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетда

4. Куйидагилар:  
2020-2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар карантини фаолиятини такомиллаштириш бўйича "Йул харитаси" 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2020-2021 йилларда ташкил этиладиган ўсимликлар клиникалари, биологаториялар ва қадоқлаш цехларининг прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ташкилий тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг марказий аппаратининг тузилмаси 4-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекцияларининг (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар) намунавий тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари ходимларининг сони 6-иловага мувофиқ; автомобиль йўлларидаги, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё порти ва ТИФ постларидаги ўсимликлар карантини бўйича чегара пунктлари ҳамда почтамактаги пункт рўйхати баиловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки:  
ушбу қарорнинг 1-иловасида белгиланган тадбирларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари, Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Инспекция раҳбари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари 2020-2021 йилларда ташкил этиладиган ўсимликлар клиникалари, биологаториялар ва қадоқлаш цехларининг ўз вақтида барпо этилиши ҳамда ишга туширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланади.

6. Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини қабул қилсин.

Бунда, Марказ "Ўзагрокимёҳимоя" АЖ ҳузуридаги "Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти" МЧЖга қарашли Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Бобур кўчаси, 4-уй манзилида жойлаштирилиши назарда тутилсин.

7. Белгилаб қўйилсинки:  
Марказ ва унинг минтақавий филиаллари ходимларига республика илмий-тадқиқот муассасалари ходимлари учун назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилади;

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиявий таъминлаш Давлат бюджети маблағлари, грантлар, бюджетдан ташқари маблағлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

Марказ ва унинг минтақавий филиаллари фаолиятини молиялаштириш 2020 йилда Давлат бюджетидан Инспекцияга ажратилган маблағлар доирасида амалга оширилади ҳамда 2021 йилдан бошлаб бунинг учун Давлат бюджети параметрлари зарур маблағлар кўзда тутилади.

8. Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази ва унинг минтақавий филиалларига

бириктириладиган муассасалар рўйхати 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин. Бунда, ҳар бир муассаса катта иқтисодий зарар келтириши мумкин бўлган зарарли организмларнинг фитосанитар хавф таҳлилини ўтказиш, кириб келишининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш бўйича илмий асосланган чоралар ишлаб чиқиш учун мутахассисларни бириктиради.

9. Фанлар академияси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Инспекция билан биргаликда мазкур қарорга 7-иловада келтирилган муассасалар қошида уруғлар, ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва бошқа материалларни карантин текшируви ва экспертизадан ўтказиш бўйича карантин лабораторияларини ташкил қилсин. Бунда: Инновацион ривожланиш вазирлиги илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасидаги илмий лойиҳаларда уларнинг моддий-техник базасини янада такомиллаштиришга маблағлар йўналтирилишини;

Фанлар академияси Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университетининг ходимлари лабораторияларига бириктирилишини ҳамда замонавий асбоб-ускуналарда ишлаш кўникмаларини шакллантириш учун хорижий стажировкалар ташкил этилишини таъминласин.

10. Инспекция ва Марказ вазифаларидан келиб чиқиб:  
Илмий-тадқиқот институти қошидаги карантин лабораториялари томонидан амалга ошириладиган чора-тадбирлар режаси 8-иловага мувофиқ;

республикадаги биологаториялар ва ўсимликлар клиникаларини тегишли илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасалари кафедраларига бириктириш жадваллари 9 ва 9а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, биологаториялар ва ўсимликлар клиникаларининг фаолиятини ҳар бир ҳудуднинг хусусиятлари ва тупроқ-клим шaroитларидан келиб чиқиб, янги турдаги энтомофагларни кўпайтириш ва маҳсулот етиштирувчиларга хизмат кўрсатиш бўйича инновацион усуллари ишлаб чиқиш, тегишли йўналишлар бўйича услубий ва амалий кўмак бериш орқали илмий-тадқиқот институти билан олий таълим муассасалари кафедралари мувофиқлаштириб боради.

11. Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:  
Инспекциянинг ходимларига қўйиладиган маляка талаблари асосида тегишли олий таълим муассасаларида ўтказиладиган 144 соатлик қисқа мuddатли курсларни ишлаб чиқсин ҳамда Ўсимликлар ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари карантини таълим йўналишининг ўқув режасини қайта кўриб чиқсин;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетининг Нукус филиалида Ўсимликлар ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари карантини таълим йўналишининг бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин;

Инспекциянинг ўрта бўғин кадрларига бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб барча қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган профессионал таълим муассасаларида "Ўсимликлар ҳимояси лаборанти" ва "Ўсимликлар ҳимояси ва карантини агрономи" каби мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашни йўлга қўйсин.

12. Инспекция:  
а) куйидагиларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:  
икки ой мuddатда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда тез бузиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари экспортга юкланидиган жойларда зарур инфратузилма яратиш ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича таклифларни;

2021 йил 1 июлга қадар Давлат божхона қўмитаси ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўсимликлар карантини чегара пунктларини республика ҳудудига олиб кириладиган карантин остидаги маҳсулотларнинг тури бўйича ихтисослаштириш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини;

икки ой мuddатда Ўзстандарт агентлиги билан биргаликда хусусий сектор томонидан ташкил этилган, аккредитациядан ўтган карантин лабораториялари томонидан экспортга юкланаётган мева-маҳсулотларига ҳулоса бериш тартибини;

б) Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги билан биргаликда Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича Халқаро конвенция қотибяти билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда 2020-2022 йилларда соҳадаги халқаро стандартларни миллий қонунчиликка босқичма-босқич уйғунлаштириш чораларини кўрсин;

в) 2021 йил 1 январга қадар Давлат божхона қўмитаси ҳамда Аxbотот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда "e-Fitouz" автоматлаштирилган аxbотот тизимини "Ягона дарча" божхона аxbототлаштирилган тизимига интеграция қилиш ишларини тўлиқ якунласин. Бунда:

Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Гидрометеорология хизмати маркази тегишли равишда ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари етиштирадиган фермер ва деҳқон ҳўжаликлари, боғ-тоқорлар, аҳоли томоркалари, об-ҳаво тўғрисидаги маълумотлар Инспекциянинг "e-Fitouz" автоматлаштирилган аxbотот тизимига мунтазам киритилиши учун уларни доимий равишда тақдим этиб бориши;

Аxbотот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 декабрга қадар "e-Fitouz" автоматлаштирилган аxbотот тизими базасида "даладан экспортгача" бўлган занжирни қамраб олувчи тизимни яратсин ва ишга туширсин; карантиндаги ва экспортга салбий таъсир этувчи бошқа хавфли зарарли организмлар тарқалган ҳамда улардан холи бўлган ҳудудларнинг электрон хариталари юритилишини жорий қилсин;

"даладан экспортгача" бўлган занжирда "баркод" тизимини ишлаб чиқиш бўйича амалий чораларни кўрсин.

13. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Марказ ва унинг минтақавий филиаллари, илмий-тадқиқот институти ва Тошкент давлат аграр университетининг карантин лабораториялари барча зарур лаборатория ускуналари ва техник воситалар билан жиҳозланиши учун икки ой мuddатда 50 миллион АҚШ доллари миқдорига грант маблағларини жалб қилиш чораларини кўрсин.

14. "Ўзстандарт" агентлиги карантин лабораториялари фаолиятини халқаро стандартларга мувофиқ ташкил этиш мақсадида Конвенциянинг лаборатория диагностикаси йўналишидаги стандартлари белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилишини таъминласин.

15. Кадастр агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Жиззах, Намой ва Қашқадарё вилояти ҳокимликларининг 10-иловага мувофиқ биноларни ҳудудий инспекцияларга оператив бошқарув ҳўқуқи асосида бериш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, "Ўзаптасаноат" АЖ тизимидаги ташкилотларга тегишли бинолар қайта баҳоланган бозор қийматида Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ ҳўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва Давлат бюджети олдидаги мавжуд қарздорликларни қисқартириш ҳисобига берилиши белгилансин.

16. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Бош вазир ўринбосари Ш.Ғаниев бир ҳафта мuddатда ташкилий йиғилиш ўтказиб, масъул вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг вазифаларини аниқ белгилаб берсин ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ҳудудлар кесимида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг тасдиқланишини таъминласин;

б) Инспекция (Эргашев):  
икки ой мuddатда экспортбоп қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш ва қадоқлаш билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларига ўсимликлар карантини давлат инспекторлари бириктирилишини таъминласин;

2020 йил якунига қадар экспорт қилинадиган маҳаллий қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари учун халқаро фитосанитария сертификати берилиши, улар етиштирилган дала, боғ ва томорқалар назорати натижасида бериладиган ички фитосанитария сертификатини жорий қилиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар ҳокимлари билан биргаликда 2021 йил якунига қадар кластерлар ҳудудида давлат-хусусий шериклик асосида биофабрика ташкил қилиш, уларда янги инновацион технологиялар асосида энтомофагларни кўпайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2021 йил 1 январдан бошлаб Марказда экспортбоп маҳсулот етиштирувчи, тайёрловчи, сараловчи ва қадоқловчи тадбиркорлик субъектларидаги ҳамкорликни таъминловчи ходимларнинг махсус ўқув курсларида ўқитилишини ташкил этсин;

олти ой мuddатда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда республика манфаатларидан келиб чиққан ҳолда 2020-2023 йиллар давомида Озарбайжон, Қатар, Туркия, Латвия, Литва, Украина, Миср, Мўғулистон, Чили, Афғонистон Ислам Республикаси ва бошқа давлатларнинг ўсимликлар карантини соҳасидаги ваколатли органлари билан ҳамкорлик қилиш бўйича икки томонлама битимлар тузилишини таъминласин;

ҳар чорақда амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аxbотот киритиб бориши;

в) Қишлоқ ҳўжалиги вазирлиги (Ходжаев) Инспекция билан биргаликда маҳаллий мева-сабзавотлар экспортга салбий таъсир кўрсатадиган карантиндаги ва бошқа хавфли организмларга қарши самарали курашиш, улар тарқалишининг тезкор олдини олиш учун АҚШ, Европа Иттифоқи ва бошқа илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиш натижалари асосида қўлланиладиган инновацион кимёвий препаратлар ва пестицидларнинг ўрнатилган тартибда рухсат этилган рўйхатини мунтазам равишда мувофиқлаштириб бориши;

г) Ташқи ишлар вазирлиги (Арзиев) мунтазам равишда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро келишувга эришиш орқали маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт бозорларини кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга оширсин ва ҳамкорлик қилиш бўйича икки томонлама битимлар тузишда ҳар томонлама кўмаклашсин;

д) Давлат божхона қўмитаси (Азимов) ҳамда Ички ишлар вазирлиги (Бобожонов) Инспекция талабларидан келиб чиқиб, 2020 йил декабрдан бошлаб йилига 5 тадан ўсимликлар карантини соҳасидаги "детектор — хизмат ит"лари ҳамда 5 нафардан кинологлар тайёрлаб берилишини таъминласин;

е) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:  
бир ой мuddатда мазкур қарорга 2-иловада белгиланган прогноз кўрсаткичлари бўйича Инспекция ва "Ўзагрокимёҳимоя" АЖ билан келишилган ҳолда аниқ инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятларни белгилаб, маъбул ер майдонлари "E-JRO AUKSION" савдо майдончасига қўйилишини таъминласин;

Инспекция билан биргаликда мева-сабзавот экспортёрлари билан уларда мавжуд муаммоларни аниқлаш ва тезкор бартарф қилиш мақсадида ҳар чорақда камида бир марта семинар ва учрашувлар ўтказиш амалиётини йўлга қўйсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги "Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятининг самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3626-сон қарорининг 2, 3, 4 ва 8-бандлари ҳамда унга 1-6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Инспекция манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

19. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Р.А.Гўлямов, А.А.Абдуваҳитов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 13 октябрь

Ҳудудларимизда...

Жиззах:  
ЗАФАРОБОДДА  
САЙЁҲЛИК МАСКАНИ  
БАРПО ЭТИЛАДИ

Худойберди КАРИМОВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимиз бўйлаб амалга ошаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, ислохотлар Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида ҳам изчил давом этмоқда.



Ваҳоланки, ушбу туман бундан бир неча йил аввал ҳам вилоятнинг қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган ҳудуди ҳисобланарди. Туман саноати ҳақида гап кетганда эса атиги битта — пахта заводи мисол қилиб келтирилди, холос. Бундан олти йил аввал ҳудудда Олмалик кон-металлургия комбинатининг Жиззах цемент заводи ишга тушиши,

жорий йилда эса цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган яна бир йirik корхона — "Хуаксин цемент" заводининг фойдаланишга топширилиши туман тарихида янги саҳифаларни очди. Яқинда туманнинг "Чимқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида, Айдарқўл соҳилида замонавий сайёхлик мажмуасини барпо этиш лойиҳаси ишлаб чиқилгани ҳақида хабар тарқалди. Ушбу мажмуа 10 гектар ҳудудни эгаллаши, йилига 2,5 мингдан ортиқ маҳаллий ва хорижий сайёҳни қабул қилиши кўзда тутилмоқда. Айдарқўл соҳилбўйи инфратузилмасини ривожлантириш натижасида чўмилиш майдони, меҳмонхона, ресторани, маросимлар зали қад ростлади. Сайёҳлар учун кўп бўйлаб саёҳат қилиш, овга чиқиш, қайиқда балиқ тутиш имконияти яратилди. Лойиҳа ташаббускорни ҳисобланган "Афросиёб савдо маркази" МЧЖ ҳисоб-китобларига кўра, Зафаробод сайёхлик маскани 2022 йилда ишга тушади ва унда камида 20 та янги иш ўрни яратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси:  
АМУДАРЁЛИК  
ХОТИН-ҚИЗЛАРГА АЛОҲИДА  
ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА

Минажатдин Қутлимуратов,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистонга ташрифи чоғида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Амударё туманига бириктирилган ишчи гуруҳ ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакиллари билан учрашиб, муаммо ва камчиликларни ҳал қилишга киришган.



Куни кеча "аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида уларнинг айримларига тикув машиналари топширилди. Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти

билан шуғулланиш истагида маҳаллий хотин-қизларга кредит олишда амалий ёрдамлар кўрсатилмоқда. Кам таъминланганим ва боқувчимдан айрилганимни ҳисобга олиб, "Агробанк"нинг туман бўлими томонидан 5 миллион сўм кредит ажратилди ҳамда янги тикув дастгоҳи олиб берилди. — дейди Қипчоқ овулида яшовчи Манзура Урозбоева. — Эндиликда тикувчилик соҳасида тадбиркорлик фаолиятимни бошламоқчиман. Бойбул маҳалласида яшовчи Шаҳло Ражабова ҳамда Дилфуза Йўлдошевага ҳам тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун кредит олишига кўмаклашиладиган бўлди. — "Агробанк"нинг туман бўлиmidан 200 миллион сўм кредит олиб, "Феруза-Гули-Мед" ультратовушли диагностика марказини очдим. Ҳозир аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдамиз, — дейди Феруза Жўбатирова.

Наманган:  
ИМТИЁЗЛИ ГРАНТ  
АСОСИДА ЎҚИШГА  
КИРГАН ҚИЗЛАР



Орифжон ЖўРАЕВ,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун кенг имконият яратиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан 2020-2021 ўқув йилида олий таълим муассасаларига белгиланган грант ўринларининг 4 фоизи хотин-қизлар учун ажратилган эди. Наманган шаҳридаги ана шу имтиёз асосида ўқишга қабул қилинган 76 нафар талаба-қизни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. — Имкониятним чекланган, лекин рўҳимни туширмайман. Ҳаётга муҳаббатим, одамларга меҳрим бандан. Болалигимдан тикувчиликка иштиёқим кучли эди. Яқинда ўн саккизга тўлдим. Шодлигим қўшалок бўлди. Ахир Наманган муҳандислик-технология институтининг дизайнерлик йўналишида давлат гранти асосида талабалikka қабул қилиндим. Бунинг учун, аввало, Президентимизга, менга ёрдам берган Наманган шаҳри маҳалла ва oilани қўллаб-қувватлаш бўлими мутасаддиларига алоҳида миннатдорлик билдирдим, — дейди Наманган шаҳридаги 51-мактаб битирувчиси, 1-гуруҳ ногирони Робия Юсупова.

Ижтимоий ҳаёт

ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИ: ТАРИХ, БУГУН ВА КЕЛАЖАК



Таниқли олим, Ўзбекистон ФА академиги, профессор Ахмадали АСҚАРОВ билан суҳбатимизда халқ дипломатиясининг тараққиёт босқичлари юртимизда азалдан мавжуд бўлгани ва ушбу унутилаётган муносабатлар йўналишини қайта жонлантириш айна пайтда муҳим жараёнда экани хусусида бўлди. Дарвоқе, олимнинг бу борада ўз тақлифлари ҳам бор.

— Ахмадали ака, Президентимиз давлатлараро муносабатларда халқ дипломатиясининг ўрнига катта эътибор қаратиб, унинг келажаги ва самарасига ишонч билдириб турибди. Давлатчилигимиз тарихида бу масала қай йўсинда кечган?

— Одамзоднинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ишлаб чиқариш муносабатлари қарор топибдики, қабилалараро алоқалар ривожланиб боради. Бу алоқалар заминда кундалик ҳаёт талаб этган иқтисодий ётади. Қабилалараро иқтисодий алоқалар секин-аста этномаданий, зиё ва маърифий, ахлоқ ва одоб, диний ва сиёсий характер касб эта бошлади. Қачонки инсоният табиий-географик, экологик шароит доирасида биқик минтақавий ривожланишдан кенг қўламли глобал алоқалар қилишга ўтган давлардан бошлаб халқ дипломатияси ҳаётий воқеликка айланади. Бу воқелик бирламчи археологик манбаларга кўра бронза давридан, яъни аждодлар ёввойи ҳайвон турларидан от, ҳўкиз, туя ва бугуннинг кундан транспорт воситаси сифатида фойдаланишга ўтган кезлардан бошланди. Янада аниқроқ, соддароқ оммабоп илмий тилда айтганда, ҳўжаликдаги бу тўб ўзгаришлар Марказий Осиёнинг дашт, саҳро ва тоғолди адирлик зоналарида чорвадор аждодларимиз кўчманчи чорвачилик босқичига, водий ва воҳаларда зироатчи бодобдорларимиз суғорма деҳқончилигига ўтган кезларда юз берди.

Демак, ижтимоий ҳаётда халқ дипломатиясининг тарихий илдилари Марказий Осиёда бронза даврида, ер қуррасининг бирламчи цивилизациялар зоналарида эса, масалан, қадимги Миср, Месопотамия, Ҳинд водийси, Хитойнинг Хуанхэ дарёси этакларида ундан ҳам олдинроқ юз берган. Утган асрнинг 60-70 йилларида бошлаб ҳозиргача Марказий Осиёнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон худудларида олиб борилган ва борилаётган археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, Марказий Осиёнинг бу минтақалари ҳам қадимда жаҳоннинг бирламчи цивилизациялар зонасига киргани исботланган.

— Халқ дипломатиясининг қадимги шакли қандай бўлган? Ахир ўша даврларда бу ибора муомалада бўлмаган-ку?

— Қадимда ва ўрта асрларда халқ дипломатиясининг таркиби топишида тадбиркор савдогарлар, савдо қарвон йўллари, улар йўналишида қад кўтарган шаҳарлар катта роль ўйнаган. Масалан, тадбиркор савдогар расмий давлат амалдори эмас. Ўз товарига қаерда катта эҳтиёж бўлса, ўша ерга, ўша шаҳарга боришни мақсад қилиб, бозорни ўрганади. Йўлга чиқиш олдин зарурий тайёргарликни кўриб, қарвон таркибида қапдаст ва чайир қарвон посбонлари, билимдон олимлар, дин вақиллари, мусиқа намояндалари ва турли спорт ўйинлари вақилларининг бўлишини назарда тутган. Чунки улар хар эҳтимолга қарши савдо қарвонини хар хил бало-қазолардан асрашда фойдаси тегади. Булар ҳақида ёзма манбаларда маълумотлар етарли даражада бор.

Шунингдек, савдо қарвони товарлари ичида турли археологик ашёвий далиллар ҳам учрайдики, улар ҳақида ўзга юрт ва ўлкалардаги қадимги қабристонлар ва шаҳар вайроналарини қазिश жараёнида топилган кўплаб материаллар бор. Масалан, расмий тарихий ҳужжатларда Хитой ипаги Урта Осиёга милоддан аввалги II асрда Буюк ипак йўли орқали Хитойнинг қадимги пойтахти Сиандан бошлаб Дунхун, Кошгар, Уш, Маргилон, Риштон, Хўжанд орқали кириб келган. Самарқандда йўл иккига айрилиб, ғарбга Бухоро томон, жанубга Термиз томон кетган ва ҳоказолар дейилади. Бу йўлдан Хан сулоласининг ҳўқимдори Удининг элчиси, ҳарбий зобит Чжан Цзянь ҳам юриб, Да-юечжилар билан Хунларга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш илжини қадимги Бактрияга қариб боради. Тарихда баъзи бирорлар бу йўлни Чжан Цзянь очган, деган ноилмий фикрча борадилар. Аслида унга қадар бу йўл савдо қарвон йўли сифатида қабилалараро иқтисодий ва маданий муносабатлар орқали табиий равишда халқ дипломатик алоқалари туфайли тарихи толган эди. Бу ҳақда археологик материаллар, шу йўл трассаси бўйлаб милоддан аввалги VII-V асрларда қад кўтарган шаҳарлар ва мудофаа деворли шаҳармонанд қишлоқлар гувоҳлик беради. Уларнинг пайдо бўлиши аслида савдо билан боғлиқ халқ дипломатиясининг маҳсули эди.

— Узоқ йиллик иш тажрибангизда конкрет фактларга ҳам дуч келганмисиз?

— Мен 1971 йил кузида Сурхондарёда ўтrock суғорма деҳқончилик маданиятининг ноёб ёдгорлиги Сополлитепада, унинг уч қаторли мудофаа деворлари билан ўралган қалъаси ичида қазима ишларни олиб бориб, суғорма ва ўқоқли бир хона поли остидан илк бор қадимги қабрга дуч келдим.

Хона поли сомонли лой билан сувалган, лекин ўчоқ рўпарасида сувалган пол сатҳининг 120x80 см. майдони бузилган эди. Дастлаб хазина топангайи қувондим, бироқ уни тозалай бошлагач, маълум бўлдики, бу жой тоза соз тўроқ билан тўла қадимги қабрининг айвони экан. 1960 йилда Туркменистонда Мурғоб водийсида Намазга VI маданияти ёдгорликларини қазिश вақтида шунга яқин кўмиш урф-одатларини кузатганим ёдимга тушди. Лекин улардан фарқли ўлароқ, Сополлитепада учратилган биринчи қабр археология тарихида кам учрайдиган ноёб кашфиёт эди.

Лаҳадли қабр айвонининг ғарбий девори остига тўғри тўрт бурчакли дев фишлар бир қатор қия қилиб терилган эди. Жўфтлаб терилган фишлар оралиги сопол парчалари билан беркитилган эди. Уртадан битта фишти олишим билан кўзим лаҳад тўрида ётган "уйқудаги гўзап"га тушди. Дафтн этилган аёл чап томони билан, боши шимолга қаратиб, қафанга ўраб эмас, балки байрамона кийими билан қабрга ётқизилган эди. Эғнидаги оч пушти ранг кесма ёқали кийимининг кўкрак қафаси майдонига турли шакли, ҳар хил қимматбаҳо тошлардан ясалган муноқлар шодаси сочилиб ётар эди. Икки қўлининг билагида бронзадан ишланган ҳалқасимон билукузуклар, оёғидаги чармдан ишланган маҳсиси кўнжига бир шода тошмунчоқ қадалган эди, қулғида олтин исирга, скелетнинг чор атрофи, айниқса, унинг юз ва оёқ томон майдонига сопол идишлар тартиб билан териб чиқилган эди. Скелетнинг бош томонида бронза сурмадон, ку-



кунга айлана бошлаган сочлари устида тут дарахтидан ишланган тароқ, скелет устига 3 дона кўкитир барги билан тут дарахтининг навдачаси қўйилган эди.

Лаҳад ичи қуруқ, доимо бир хил ҳароратда сақлангани боис, турли сопол идишлардаги овқатлар қуриб, идиш остига чўкиб, қорайиб кетган. Қабрдаги тут дарахти навдасининг барглари қуриб, қўл текса уваланиб кетиш ҳолатида бўлса ҳам узининг асл кўкитир рангини сақлаши ақл бовар қилмайдиган ҳолат эди. Бир неча дақиқаларда бу мўъжиза қабр ичига ҳаво киргач, кўз ўнгимда қорая бошлади. Афсуски, қўлимдаги оқ-қора фотоаппарат билан олинган сурат



мен кўрган мўъжизани акс эттира олмас эди. Ўша давларда машинада пахта териш кучайиб, Тошкентдан бир гуруҳ телевидение ходимлари теримчи Шойимардон Қудратовнинг машинада пахта теришини суратга олиш учун Сурхондарёга, Советобод совхозига келишган экан. Уларни топиб қанчалар ёлвормай, ўша мўъжизани рангли суратга туширишини иложини топа олмадим. Мўъжиза кечга томон узининг дастлабки табиий ҳолатини йўқотди.

Экспедициядан қайтгач, топилмалар тегишли илмий лаборатория анализларидан ўтказилди. Сополлитепа қабридан топилган кийим парчалари табиий ипакдан тўқилган материал бўлиб чиқди. Тароқ ва скелет устига терилган навдачалар тут дарахтидан экани аниқланди. Топилмалар, айниқса, қабрдан топилган баргли тут навдачалари ипак қўри босиш, ипак қурти тутуш Ўзбекистон жанубий худудларида бронза давридан мавжуд экани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаганди. Чунки расмий тарихда ипакчилик Урта Осиёда милоддан аввалги II асрдан бошланган, деган тасаввур илм оламида ҳўқмрон эди.

— Тадқиқотларнинг натижаси нима билан туғайди?

— Мен 1990 йилда Хитойнинг Пекин шаҳрида ўтказилган халқаро илмий конференцияда маъруза билан чиқдим. Бронза даврига тегишли Сополлитепа қабридан топилган ипак мато ҳақидаги маърузамга хитойлик олимлар ишонсизлик билан қарашди. "Ипакнинг ватани Хитой, Ўзбекистон худудларига Хитойдан ипак матолар



билан милоддан аввалги III минг йилликда Энлил ибодатхоналарини безаган лаъли Бадахшон Аккада ёзма манбаларида "Лазурит йўли" номи билан боғлиқ ҳолда бекорга тилга олинмаган.

1991 йилда ЮНЕСКО томонидан уюштирилган Буюк ипак йўли халқаро экспедициясида фаол қатнашиб, Хитойнинг Шарқий Туркистон ўлкасида жойлашган 16 та ўлкашунослик музейи экспонатлари орасида Жанубий Ўзбекистондан топиб ўрганилган Сополли маданиятининг қуллоқлик чархиде ишланган Кўзали, Мўлали ва Бўстон босқичларига тегишли керамика материалларини кўришга муяссар бўлдим. Улар бронза даврининг чорвадор Андроново қабилалари маданияти керамика комплекслари билан бирга топилган. Андроново маданияти ёдгорликлари эса Жанубий Сибирь ва Шарқий Туркистон худудларида кенг тарқалган чорвадор қабилалар маданияти бўлиб, уларнинг юзлаб ёдгорликлари Урта Осиё худудларида милоддан аввалги XIII-XII асрлардан бошлаб орилар миграцияси муносабати билан кенг тарқалган. Буларнинг барчаси қадимги даврларнинг халқ дипломатияси йўли билан шарқдан ғарбга, ғарбдан шарққа халқлар миграциясининг иқтисодий омиллари сабабли юз берган.

— Сизнингча, шу пайтгача халқ дипломатиясини ривожлантириш, унинг имконият ва салоҳиятидан халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш, қолаверса, маданият, иқтисод, таълим соҳаларини тараққиёт этиришда фойдаланиш ишларининг оқсаб келгани сабаблари нимада?



Буюк ипак йўлининг бу жанубий тармоғининг жуда эрта таркиби топишида Тоғли Бадахшоннинг қимматбаҳо лазурит тош кони, яъни милоддан аввалги III минг йилликда Энлил ибодатхоналарини безаган лаъли Бадахшон Аккада ёзма манбаларида "Лазурит йўли" номи билан боғлиқ ҳолда бекорга тилга олинмаган.

милоддан аввалги II асрдан олдин кириб бормаган", деб туриб олишди. Мен эса ўз ҳулосаларимда катъий турдим. Ниҳоят, 2017 йил кузида Хитой ФАнинг Умуртқалар палеонтологияси ва палеоантропология институтининг қадимги маданий бошоқли усимликлар ва боғдорчилик уруғларини ўрганувчи бўлими етакчи илмий ходими Синьинь Чжоу билан биргаликда Сополлитепада қўшимча қазималар олиб боришга тўғри келди. Чунки хитойлик олим Синьинь Чжоуни Сополлитепадан топилган ипак мато қолдиқлари ҳамда у ердан топилган жийда ва узум данаклари қизиқтирар эди. Энг муҳими, қазима майдонидан қазиб олинган кул ва олдинги қазималарда тўпланган тўроқ уюмларини махсус аппарат ёрдамида ювиб, майда кўзли ғалвирдан ўтказилганда отвалда тут дарахти мевасининг қорайиб кетган ва бизгача сақланган уруғлари, пилла қуртининг кўз илғамас тухумлари (личинкалари), жийда ва бодом данаклари ҳамда кўплаб узум ва анжир уруғлари борлиги аниқланди. Бу топилмалар Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида бронза даврида юксак даражада ривожланган боғдорчилик, маҳаллий ипакчилик ва суғорма бошоқли деҳқончилик бўлганидан гувоҳлик беради. Хитойлик мутахассиси олимни бу топилмалар лол қолдирди. Бу ипак йўлининг бронза даврида Помир тоғ даралари орқали Бактрия худудларига халқ дипломатияси йўли билан кириб келган биринчи савдо қарвон йўли эди.

Буюк ипак йўлининг бу жанубий тармоғининг жуда эрта таркиби топишида Тоғли Бадахшоннинг қимматбаҳо лазурит тош кони, яъни лаъли Бадахшон катта роль ўйнаган. Халқ дипломатияси йўли

— Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида археолог Дўстим Ламберг Карловскийнинг тақлифи билан АҚШга илмий ҳамкорлигимизнинг навбатдаги режаларини муҳокама қилиш учун боришимга тўғри келди. Самолётада "Правда" газетасида Россиядан 1926 йилда АҚШга кетиб қолган машҳур иқтисодчи олим Василий Леонтьев ҳақида ёзилган мақолага кўзим тушиб қолди. Уни ўқигач, Нью-Йоркдан Кембрижга дўстим Ламбергга кўнғироқ қилиб, Василий Леонтьев ҳақида сўрадим. Дўстим уни ҳўрмат билан тилга оларкан, Василий Леонтьевнинг шогирди унинг дўсти эканини айтиб, мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти йўлида ривожланиши учун Василий Леонтьев маҳалларини олиш фойдадан холи эмаслигини таъкидлади. Агар у билан учрашишни истасанг, дўстим орқали бунни уюштираман, деб менга далда берди. Ҳақиқатан, АҚШлик олим Ламберг Карловский ўз сўзида турди, мен эса Нью-Йоркда Василий Леонтьев билан учрашдим. В.Леонтьев ҳақиқатда буюк иқтисодчи олим, унинг обрўйи нафақат АҚШ, балки бутун дунёда баланд, ўзи машҳур бўлса-да, ўта камтарин инсон экан. Бизнинг у киши билан суҳбатимиз 2 соатлар чамаси давом этди. Мен у кишига она Ватаним фидойисиз эканимни, Ватан келажаги йўлида қайғуришимни исботлай олдим. Уша кезларда мен Олий Совет депутаты, фан, таълим ва маданий мерос ёдгорликлари қўмитаси раиси, қурашчан арбоб сифатида фикрларимни дадил ўртага ташладим. Уша кезлардаги маккеимдан фойдаланиб, Василий Леонтьевдан Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти йўлидан боришига қўмаклашишини сўрадим.

Расмий дипломатияси АҚШлик буюк олим мустақилликка эндигина қадам қўйган Ўзбекистонлик археолог олимнинг мақсадларини тушунди. Василий Леонтьевнинг маҳалларига кўра, ҳар 6 ойда ёшлар орасидан инглиз тилини яхши биладиган иқтисодчи ва ҳўқуқнош ёш олимлардан танлаб, 3 кишилик гуруҳни шаҳсан менинг тавсия хатим билан у кишининг ҳузурига юборадиган бўлди. Йўл патталаридан бошқа барча ўқиш билан боғлиқ харажатларни ҳал этишини В.Леонтьев ўз зиммасига олди. Бу икки олим ўртасидаги ўзаро ишонч, халқ дипломатиясининг яна бир кўриниши эди. Бу мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида ишга солинган халқ дипломатиясининг биринчи қадамлари эди.

— Яқинда мавзуга қайтиб, бу борада ўзингизнинг тақлифларингизни илгари суришга муваффақ бўлдингиз. Билишимизча, бу жуда салмоқли тақлиф бўлган?

— Давлатлараро ижтимоий гуманитар алоқаларни ривожлантиришда халқ дипломатиясининг қирралари кўп. Мен ўз ҳаётим тажрибамдан келиб чиқиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бундан икки йил аввал халқ дипломатиясини ривожлантиришни йўлга қўйиш ҳақидаги ташаббусини кўллаб-қувватлайман. Бунинг учун, биринчи навбатда, олимлар ва ишбилармон тадбиркорларнинг хорж сафарларига кўпроқ юборилишига кенг йўл очилиши керак. Уларнинг хоржиде ўз касбшўларини билан кўпроқ мулоқотда бўлиши фойдаланиш холи эмас. Мен бу масалада фақат ўз шахсий манфаати йўлида ҳамма нарсага тайёр фуқароларни кўзда тутмоқчи эмасман. Аксинча, уларнинг томирини қирқиш вақти келди, деб ҳисоблайман. Афсуски, айнан улар халқ дипломатиясининг хилма-хил қирраларидан фойдаланишга устаси фаранг бўлиб кетган. Ватан равнақи йўлидаги ижтимоий гуманитар алоқаларни ривожлантириш бугунги куннинг ечиб бўлмас муаммоларидан бўлиб қолмаслиги керак.

Энди бевосита тақлифимга келсак, Президентимизнинг халқ дипломатиясини ривожлантиришга қаратилган ташаббусига жавобан, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида амалга ошмай қолган, халқаро туризмин ривожлантириш йўлидаги яна бир амалий тақлифимни илгари суриш фурсати келганини англаб етдим.



Археологик туризм (археотуризм) кейинги йилларида халқаро туризм соҳасида кенг тарқалаётган йўналиш бўлиб, унинг асосий мақсади хоржий йўлларнинг ёғи таътили вақтларида Ўзбекистоннинг ноёб археологик ёдгорликлариде бевосита қатнашиларига имконият бериш йўли билан мамлакатга қўшимча валюта киритишдир. Бунинг учун жаҳон амалиётидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг ҳар бир вилояти худудиде ташкил этилган стационар археологик экспедициялариде ёш хоржий сайёҳларнинг археологик изланишлар олиб борилаётган объектларида бир ҳафталик муддатгача бевосита қатнашиши ва қазима жараёнларини кузатишлари учун тегишли шароит яратиш ва уни ташкил этиш талаб этилади.

Ҳозирги вақтда ушбу йўналиш Миср, Греция, Испания, Ливан, Исроил, Россия, Мўғулистон каби давлатларда кенг йўлга қўйилган. Бундан қазимашда 7-10 кунгача иштирок этгани учун сайёҳ билан муайян миқдорда ҳақ тўлаш шартномаси тузилади. Масалан, Европа мамлакатларида сайёҳлар қазима ишларида қатнашиш учун 2-3 ҳафтага 1000-1200 евро, Исроилда эса 500 доллар тўлайди. Ушбу маблағ сайёҳни экспедиция объектларида дала шароитидаги ётоғи, овқатланиши, экспедиция учун керакли анжомларни харид қилиш, ёлпанма ишчиларни жалб этиш учун сарфланадиган тўлов харажатларини қоплайди.

Қазима жараёнида сайёҳ объект мутахассиси раҳбарлигида минг йиллар давомида сақланиб келаётган ёдгорлик маданий қатламларини кузатади ва уларни қазिश усуллари билан танишади, топилмаларни шифрлаш, қизиш, суратга олиш, кундалик ёзиш ишлари билан бевосита шуғулланади. Дала амалиёти давомида сайёҳларга ўрганилаётган давр ёдгорлиги, унинг жаҳон цивилизациялар таркибидаги ўрни ва роли ҳақида экспедиция ходимлари-археологлар томонидан ҳар кун яқинда илмий маърузалар ўқилади. Бунинг учун эса экспедиция барча жиҳоз ва асбоблар билан таъминланган бўлиши лозим.

Бунга хоржий туристлар орасида талаб катта. Чунки хоржий мамлакат тадбиркор ва ишбилармонлари ёғи таътил вақтида ўз фарзандларининг назоратсиз, фойдасиз ишлар билан банд бўлишларидан қўра, туристик сайёҳлар билан мақсадли бўлишини афзал кўради. Кези келганда таъкидлаш жоизки, шундай тақлиф мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Япониянинг ННК (Эн Эйч Кей) телекомпанияси томонидан билдирилган эди. Уша кезларда мен Ўзбекистон ФА Археология институтининг директори сифатида шундай археологик экспедициялар уюштириш ташаббуси билан чиқдим. Йонлар экспедицияни ташкил этиш харажатларини ўз зиммасига олишга тайёрлигини, бир йилги археологик дала мавсуми давомида Япониядан Ўзбекистонга 15 тагача ёш учун махсус рейс уюштириш мумкинлигини билдиришди.

Бироқ мустақиллардан бунга ҳеч бир реакция бўлмади. Реакция фақат Давлат вақфисизлик хизмати томонидан бўлиб, бунга ўз вақтида розилик берилмади. Ҳозирги шароитда бунга эътироз бўлмаса, бу муаммонинг илмий ва ташкилий ечимини топиш мумкин, деб ҳисоблайман. Туризм соҳаси мутаасаддилари шундай ташаббуслар билан шуғулланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўз навбатида, ташаббусга республика археологлари ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр.

Суҳбатни "Янги Ўзбекистон" муҳбири Нодир МАХМУДОВ ёзиб олди.

21 октябрь — Ўзбек тили байрами кун

ГУРУР ВА ИФТИХОРИМИЗ РАМЗИГА ЭҲТИРОМ

Бугун онгу тафаккури ўзгарган халқимизнинг ўзлигини белгилайдиган она тилига муносабати бутунлай ўзгача



Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти доценти, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Истифода этилмаган нарса аста-секин унутилади. Тўла истеъмолда бўлмаган тил ўлимга маҳкум. Шунинг учун ҳам тил масаласида эҳтиёж ва зарурият ниҳоятда муҳимдир. Шу ўринда буюк мутасаввуф Жалолиддин Румийнинг қуйидаги юк битиклари ёдимга тушади: "Ерда бир ҳайвонча (қурт) мавжуддир. У ер остида зулматда яшайди. Кўз ва қўлоқсиз. Аслида унинг кўз ва қўлоққа эҳтиёжи йўқ. Модомики муҳтожлиги йўқ экан, унга нечун кўз ва қўлоқ берсинлар? Тангри оз бўлгани учун ёки ҳасислик сабабли уни кўз ва қўлоқсиз қолдирдимми? Йўқ! У буларни эҳтиёжига қараб берди. Эҳтиёжи бўлмаган кишига берилган ҳар қандай нарса ортиқча қўқир. Бироқ тангрининг лутфи-карами ва ҳикмати юк бўлади эмас, балки киши зиммасидан юкни туширади. Масалан, дурдгорнинг теша, арра, болға каби иш асбобларини тикувчига берсангиз, булар унинг учун фақат кераксиз тошга айланади. Шунинг учун ҳам нарсанинг эҳтиёжига қўра берадилар".

Давлат тили масаласи миллатнинг қиёфаси, руҳи, жон-тангаи дахлдор эканини унутмасликка қақиради Жалолиддин Румий. Давлат тилини ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳаларда, бошқача айтганда, халқ



ҳўжалигининг барча жабҳаларида тўла қўлламаслик унинг ролини сусайтиради, қийматини тобора йўқота боради. Агар биз ўзбек тилида озгачи ва ёзма тарзда тўла маънода саводхон бўлганимизда эди, бундай муаммо келиб чиқмаган бўларди. Тан олишимиз керак, буларнинг бари "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг эскиргани, ундаги аниқлик ва мукамаллик даражаси етишмаслиги ҳамда қонун ижросига панжа орасидан қаралгани билан боғлиқ.

Тилда сўзлаш ва тилда фикрлаш, деган тушунчаларни, аввало, тўғри идрок этиш керак. Рус тилининг изоҳли лугатини яратган истеъдодли лексикограф Владимир Даль бундай ёзади: "На майл-истак, на диний ишонч, на аждодлар қони инсоннинг у ёки бу халққа мансублигини тайин этади. Ким қайси тилда ўйласа, у ўша халққа мансубдир. Мен рус тилида ўйламан". Ваҳоланки, Далнинг отаси даниялик, онаси эса олмон бўлган. Демак, тахайюл, тасаввур ва тафаккур тарзи она тилида бўлмаса, давлат тилига муносабат, мурожаат кўнглидагидек бўлмайди. Бунинг учун таълим муассасаларида тил қоидаларини чуқурлаштиришдан ташқари, ўқувчиларда фикрни раvon ифода этиш кўникмаси ва малакасини ҳосил қилиш лозим. Назарий филология (шу ўринда чуқурлаштирилган грамматикани назарда тутяпмиз)дан кўра, амалий филологияга ўтиш ва уни ҳаёт тарзига айлантириш, ўқув ва иш жараёнида тўла қўллашни жорий этиш зарур. Унинг тартиби ва таркибини зудлик билан ишлаб чиқиш керак.

Қўш ҳам қўш қаноти билан парвоз қилганидек, саводхонликнинг ҳам икки қаноти бор. Бирини озгачи нутқ бўлса, иккинчиси ёзма нутқ маданиятидир. Ҳар иккаласини амалий тарзда жамиятнинг барча жабҳаларида, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнда, ҳатто халқаро майдонда, бошқарув тизими ва раҳбарлик фаолиятида тўла қўлланилишига эришмас эканмиз, бариси беҳуда бўлиб, гап гаплигича қолаверади.

Бугун кўпчилигимиз тил ва нутқ имкониятларидан тўла фойдаланишни билмаганимиз боис, мулоқот ва муомала, сўзлашув жараёнида нутқнинг нуқсонларимиз етарли ва айтарлидир. Юқоридаги қонун эса олдимизга бир қатор вазифаларни қўйиши тайин. Булар интернет тармоқларида ўзбекча контентлар, ўзбек тилидаги веб-сайтлар, е-қутубхоналар сонини кўпайтириш, сифатини ошириш, миллий кино ва театр, маданий соҳада кескин ўзгаришлар ясаш, кўча-кўйда, пештахталардаги ёзувларни танқидий кўриб чиқиш, фикрни эмин-эркин ва раvon ифода этиш қобилиятини ўстиришга доир нотиклик санъати ва нутқ маданиятини ривожлантириш, имловий саводхонлигимизни ошириш кабилардир. Мазкур ислохотларда, айниқса, тилчи мутахассислар, олимлар, шoir-ёзувчилар, устоз ва мураббийлардан фаоллик талаб қилинади.

Тил тактикаси тараққиёт стратегиясининг таъсирчан ва инновацион механизмидир. Омма тушунадиган халқчил тилда гапириб, улارни истиқболли мақсад ва режаларимизга ишонтира оласанми, дадил қадамлар билан олдинга интиламиз. Бунинг учун ўзликка эга бўлишга ҳалақит берувчи омилларга лоқайд бўлмаслигимиз керак.

Инсоннинг ўзлиги учун кўзгу сўзlidir. Одамнинг қилганини билдируви ойна ҳақи жохони ҳам унинг тили. Инсоннинг икки оғиз сўзиданок унинг онги, савияси, билими, қизиқиш олами, табияти ва тайнатины англаб олиш қийин эмас. Халқимизнинг "Ўзинга қараб кутарлар, сўзинга қараб кузатарлар", деган мақоли замирида ҳам ана шу ҳақиқат яширин. Шуниси аниқки, тил масаласи мавсумий мавзу эмас, ҳар дамда, ҳар қадамда биз унга эҳтиёж сезамиз.

Дунё аҳолисига ташвиш келтириб, ҳавф солаётган коронавирус пандемиясига қарши кураш ва чора-тадбирлар кетаётган айни дам-

да уларни ҳал этиш баробарида диққат-эътиборини давлат тили масаласига қаратгани ҳам давлатимиз раҳбарининг элпарварлик ва тилпарварлиги нишонасидир. Тилнинг чин маънода халқ гурури ва ифтихорига айланиши унинг миллат сифатидаги ўрни, рутбаси ва нуфузини билдирувчи мезондир. БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатимиз раҳбарининг ўз она тилида сўзлаши дунё халқлари тасаввури ва тафаккурида мамлакатимиз мустақиллигини тан олиши ва қайта иқдор бўлишга сабаб бўлди. Туркияда чоп этиладиган "Жумхурият" газетаси ўзининг 21 сентябрь сониди "Ўзбек тили БМТда" сарлавҳали мақолани эълон қилиши ҳам дунё мамлакатларининг халқимиз ва Президентимизга ҳурмати яна бир қадар ошганининг қафолатидир.

Қолаверса, ўзлигини англаган, жаҳонга юз тутган, дунё таниган ва тан олган мамлакатимиз чинакам маънода Учинчи Ренессанс даврига қўтулғу қадамини қўйганининг нишонаси ҳам бу.

Бугун онгу тафаккури ўзгарган халқимизнинг ўзлигини белгилайдиган она тилига муносабати бутунлай ўзгача. Бу борада Президентимиз томонидан имзоланган янги қонун эндиликда она тилимизни янада ривожлантириш, унинг ажиб ва ноёб оҳангларины бойитишга, бу тил замирида қанчадан-қанча бойликлар ётганини очиб беришга ҳар биримиз ҳисса қўшишимиз зарурлигига қақирувчи ҳужжат ҳамдир. Зеро, истиқболда фарзандларимиз, дўстларимиз, миллатдошларимиз ҳам бир-бирлари билан соф ўзбек тилида гаплашишлари — бу чинакам бахт-ку!

Миллат фидойилари

ХАЛҚ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШГА ИНТИЛГАН МАЪРИФАТПАРВАР

адолатсизлик ва бўҳтонлар туфайли қатағон қилинган



Баҳром ИРЗАЕВ, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 31 август — Қатағон қурбонларини ёд этиш кун

Жаҳидлар мактабининг таниқли намояндаси Султон қори Жуманиёзовнинг маърифатпарварлик голялари ва савий-ҳаракатлари ҳақида тарих саҳифаларида эътиборга молик қизилар қолдирилган. У 1878 йил қўнча Хоразмининг Янги Урганч шаҳрида деҳқон оиласида дунёга келган. Султонбек болалигидан меҳнатда қўзи пишиди. Дастлаб тикувчига шогирд тушди, сўнг соатсоз устадан мазкур ҳунар сирларини ўрганди. Айни пайтда эски мактабга ҳам қатнаб савод чиқарди. Унинг ўткир зеҳни, қўймақ-лоқлиги ва ширали овозини кўрган масжид имоми Султонга Урганч шаҳридаги Ҳожи Тошқул қорихонасида ўқилиш давом эттириши тасвია қиладди. Орадан кўп ўтмай, Султон Қуръони каримни тажвид асосида мукамал ёд олди ва Султон қори бўлиб элнинг назар-эътиборига тушди. Бироқ у тирикчилигини ўзининг ҳалол меҳнати — соатсозлик ҳунари билан давом эттирди.

Бу вақтда ярим мустамлакага айланиб қолган Хива хонлигида бир томондан Чор империясининг иқтисодий сиқуви, иккинчи томондан маҳаллий солиқларнинг муттасил ортиб бориши оқибатида оддий халқ азият чекарди. Шундай мураккаб тарихий шароитда "Ёш хиваликлар" ҳаракати вужудга келди. Султон қори Жуманиёзов 1916 йил март ойда хонлиқдаги миллий зулмга қарши қўзғолонда ўзининг халқ томонида эканини яширмади. Кўзголон чор қўшини ёрдамида ваҳшийларча бостирилган, Султон қори Жуманиёзов ҳам мавжуд тузум душманлари рўйхатидан ўрин олди.

"Ёш хиваликлар" партиясининг асл мақсади Хива хонлигидаги эскирган бошқарув тузуми ўрнига бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш, солиқ тизимини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришда фарб илми ютуқларини қўллаш ҳамда мамлакатда замонавий илм-фан ривожига кенг йўл очишдан иборат эди. Бироқ мавжуд тузумдан манфаатдор бўлган маҳаллий мутаассиблар ҳамда хонлиқни бутунлай тутатиш ниятида ички зиддиятларни қўндан-қўн авж олдираётган ташқи қўчлар ҳам "Ёш хиваликлар"нинг ислохотчилик фаолиятига қарши эди.

Хон ва унинг маъмурлари зулми ҳамда туркман кўчманчиликнинг талончилик юришлариға қарши кураш соясиди қариб келган боғшевик "қизил қўшини" Хива хонлигини бутунлай босиб олди. Хива хонлиги тутатилиб, унинг ўрнида Хоразм Халқ Республикаси бунёд этилди. "Ёш хиваликлар"дан иборат янги ҳукуматда на ҳарбий, на иқтисодий салоҳият бор эди. Амалда боғшевикларга қарам бўлган ҳукумат "Ёш хиваликлар" партиясини тутатиб, унинг аъзоларини компартияга қиришга мажбурлай бошлади. Боғшевикларнинг ғайриинсоний ақидаларидан мутлақ беҳабар бўлган Султон қори Жуманиёзов ҳам 1920 йил бўҳронлари вақтида компартияга аъзо бўлди.

Султон қори Жуманиёзов 1920 йил ёзидан 1921 йил сентябрь ойигача Урганчда туман ижроқўмининг раиси, 1921 йил кузидан эса Хоразм Халқ Республикасининг Москвадаги доимий вакили сифатида фаолият юритади. Султон қори Жуманиёзов мазкур лавозимда ишлаган вақтида Хоразм Халқ Республикаси (ХХР)нинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиб, кенг қўламли ишлар олиб борди. Хоразмлик қўлаб ёшларни Москва ва Петербург шаҳарларида жойлашган олий ва ўрта махсус касб-ҳунар билим юртлари-



ға ўқишга жалб этди. 1922 йил сўнггида Хоразмга қайтган Султон қори Жуманиёзов ХХР маориф халқ комиссари лавозимига тайинланди. У саккиз ой давом этган назорлиги даврида қўлаб мактаблар, қатор билим юртлари очилди, дарсликлар чоп этилди.

Султон қори Жуманиёзов 1923 йил ХХР Халқ комиссарлар советининг раиси, 1923-24 йилларда ХХР адлия халқ комиссари, 1924-25 йилларда эса Хоразм Халқ Республикаси Марказий ижроия комитети раиси лавозимларида ишлади.

Султон қори Жуманиёзов элнинг меҳрини қозонган инсон эди. 1924 йил 17 март театр майдонда ўтказилган йиғинда Низомиддин Ҳўжаев халққа мурожаат қилиб, Султонқори қандай одам, дейди. Эл бир овоздан яхши одам, деб гувоҳлик беради. Шундан сўнг Низомиддин Ҳўжаев, Султон қори Жуманиёзов ва Саъев иштирокидаги комиссия 1924 йил 22 март кун турмага бориб, 214 кишини овоз қиладилар.

Султон қори Жуманиёзов советларнинг миллий чегараланиш сиёсатиға қарши чиқиб, Хоразм Халқ Республикасининг мустақиллиги ва худудий яхлитлигини сақлаб қолиш мақсадида матонат билан кураш олиб борди. Давлат Ризаев билан советларнинг ХХР ўртасида тузилган шартнома-ларида берган ваъдаларини эслатиш учун бир неча марта Москвага қатнади. Бироқ бироқ натижага эриша олмади.

Султон қори Жуманиёзов ўзининг содда ва ҳалол меҳнатга таянган турмуш тарзидан асло воз кечмади. Хоразм Халқ Республикасининг раҳбари



бўлишиға қарамай, ўзининг эски касби — соатсозликни ташламади. Ҳатто ХХР Марказий ижроия комитети раиси лавозимига бўлган вақтларида ҳам Рамазон ойларида мусулмон аҳлининг олдида туриб, намозда имомлик қилишда давом этди. Бу каби бир қанча сабаблар туфайли Султон қори номзоди янгидан шакллантирилаётган ҳукумат таркибига киритилмади.

Султон қори Жуманиёзов 1925-27 йилларда Янги Урганч уезд ер бўлими мудири, 1927-29 йилларда округ адлия бўлими мудири, 1929-30 йиллар Хоразм округ меҳнат бўлими раиси лавозимларида ишлади. 1930-34 йилларда эса Хоразм округ ижроқўмида маданий-оқартув бўлимида ишлаб, худудларда аҳолининг маданий ва маънавий турмуш шароитини яхшилаш мақсадида режали тадбирларни амалга оширишга киришди. 1934 йил амалга оширилган навбатдаги "тозалаш"да Султон қори Жуманиёзов бир қанча айбловлар билан партиядан ҳайдалади. Унинг меҳнат стажы бекор қилиниб, амалдаги барча ҳуқуқларидан маҳрум этилади. Султон қори Жуманиёзов зудлик билан Акмал Икромов номига ариза ёзиб, уни бу адолатсизликдан огоҳ этади. Натижада Тошкентнинг аралашуви билан ҳолат юзасидан қайта текшириш ўтказилиб, унга қўйилган барча айблов бекор қилинади. Ҳатто унинг мамлакат ва халқ олдидаги хизматлари инобатга олиниб, шахсий нафақа белгиланади. Султон қори Жуманиёзов 1934-37 йиллар давомида Хива музейида директор сифатида иш олиб борди.

Султон қори Жуманиёзов Хоразм элнининг катта обрўга эга табаруқ оқшоқларидан бири эди. 1936 йил май ойда "Ёш хиваликлар"нинг собиқ раҳбари, Хоразм вилояти осори атикалар бўлими раиси бўлган Полвонниёз Ҳожи Юсупов вафот этади. Унинг ўрнига тайинланган Жуманиёз ҳожи Бобониёзов ҳам 1936 йилнинг сентябрида қамоққа олинади. Шундан сўнг ўлкада тарихий қимоқлар — масжид, мадраса, муқаддас қадамжоларга муносабат кескин ёмонлашиб, ҳатто музейларда ўғрилиқ ҳолатлари кузатила бошлади. Султон қори Жуманиёзов 1936 йил 8 октябрда яна Акмал Икромовга мурожаат этади ва аризининг сўнггида нафақадаги дўсти Жуманиёз Бобониёзовнинг но-

ҳақ қамоққа олинганини маълум қиладди. Бироқ шу ариза ортидан Султон қори Жуманиёзовга нисбатан таъқиб бошланиб, унинг уйи кечаю кундуз махсус одамлар томонидан кузатила бошлайди. Уйдан чиқа олмади қолган Султон қори Жуманиёзов 1936 йил 3 ноябрда вилоят масъулариға қуйидаги варақани йўллаб ўлгради: "Бадалбоев! Мени қидиряптилар. Мени ҳам бир ёлгон билан қамоққа тикишмоқчилар. Бу билан болаларимға қийин бўладиган бўлди. Мени амалий ёрдам беринглар. Жуманиёзов қори бобо". Фақат шу хатдан сўнггина уни яна бир муддат тинч қўядилар...

1937 йил июнь ойида Султон қори Жуманиёзов таътилға чиқиб, даволаниш мақсадида Тошкентга йўл олади. Бироқ...

1937 йил 4 август кун Урганч шаҳрида компартия фаоллари Султон қори Жуманиёзовнинг 1920-37 йиллардаги фаолиятини салбий баҳолаб, уни партия сафидан чиқарди. 5 август кун ийгилишда эса уни Ф.Ҳўжаев, А.Икромов ва бошқа "халқ душман"лари билан алоқада бўлган, қори, намозхон деб камситадилар.

1937 йил 16 август кун ички ишлар халқ комиссарлиги Хоразм округ бошқармаси бошлиги Калмиковнинг Султон қори Жуманиёзовни аксил-инқилобчи сифатида УзССР ЖКнинг 66-моддаси 2-қисми билан айблаган қарори чиқади. 1937 йил 25 август кун берилган ордер асосида у яшаган Хива шаҳри, 1-бурчак, 12-маҳалла, 225-уйда тинтув ўтказилади. Тинтувда Султон қориға тегишли барча ҳужжат ва китоблар, ҳўжалик ашёлариғана хатланди, олиб кетилди. Унинг турмуш ўртоғи Мунаввархон Қорихўжаева (35 ёш), қизи Зумрад (13 ёш), ўғиллари Содиқ (9 ёш), Анвар (6 ёш), Иком (4 ёш) ва Фарход (1 ёш)ларға ҳеч қандай тушунтириш берилмади.

1937 йил 1 сентябрь кун ўтказилган илк сўроқда Султон қори ўзининг ўтмишини ҳиқоя қиладди ва "Озод Туркистон" номли аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси бўлганини қатъиян рад этади. 1937 йил 13 ноябрь кун ўтказилган сўнгги сўроқда ҳам Султон қори Жуманиёзов Хоразмда ҳеч қандай аксилинқилобий ташкилот бўлмаганини ва айтилаётган гапларнинг ҳаммаси терговчи-лар томонидан ўйлаб топилганини таъкидлайди.

Ички ишлар халқ комиссарлиги Хоразм округ бошқармаси бошлиги Васильев томонидан тасдиқланган айблов баённомасида собиқ имом Султон қори Жуманиёзов 1936 йилда фашистларни мактаганликда айбдор деб топилди. 1937 йил 28 ноябрь кун ички ишлар халқ комиссарлиги Хоразм округ бошқармаси қошида ташкил этилган "учлик" суди Султон қори Жуманиёзов ишини кўриб чиқади ва айбини исбот этадиган ҳеч бир далил кўрсатилмаган ҳолда, уни олий жазага ҳўкм этади. Ҳўкм ижроси 1937 йил 26 декабрь кун Хоразмда ташкил этилган маҳфий қатлгоҳлардан бирида амалга оширилади.

1959 йил 19 январь кун Анвар Султоновнинг Хоразм вилояти милиция идорасига ёзган ариза-сига жавобан, Султон қори Жуманиёзовнинг 1937 йил 10 йилға қамоққа ҳўкм этилгани ва 1942 йил жазони ижро этиш даврида вафот этгани тўғрисида ёлгон хабар етказилади.

1959 йил 20 февраль кун Султон қори Жуманиёзовнинг турмуш ўртоғи Мунаввархон Жуманиёзова УзССР Олий суди раиси Ё.Насриддинова номига ариза ёзади. Унда эрининг 1937 йилда қурортга бораган, деб уйдан чиқиб кетгани ҳолида қайтиб келмаганини ва шундан сўнг ўзининг одамларнинг ноини ёпиб, қирини ювиб, норасида болаларининг жонини сақлаб қолганини ёзади. 1960 йил 19 апрель кун Хоразм вилояти прокуратураси протести асосида Султон қори Жуманиёзов иши юзасидан қайта сўроқлар бошлаб юборилади. 1960 йил 15 июлда қайта сўроққа қақирилган Абдулла Болтаев: "... Уни 1923 йил Хоразмда адлия халқ комиссари вақтидан таниганман. Сўнгги йилларда Хива музейида ишлаганини биланман. Султон қори Жуманиёзов ажойиб инсон эди. 1937 йил мени гувоҳ сифатида ички ишлар халқ комиссарлиги тергов бошқармасига қақир-ришган ва мен уларнинг қийноқлари исканжасида бир неча қозғоларға имзо чеқканман", дейди.

Қайта сўроқлар давомида Султон қори Жуманиёзов ҳеч қандай далил-исботсиз, бўҳтонлар асосида қатл этилгани маълум бўлади. Атоқли маърифатпарвар юртдошимиз 1960 йил 11 июль кун Хоразм вилояти суди томонидан оқланади.